



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 26 июнь, № 129 (9024)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН – МЎЎУЛИСТОН: КЎП ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДАГИ КЕНГ ИМКОНияТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг таклифига биноан 24-25 июнь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Тарихдаги биринчи бўлган ушбу ташриф Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатларида янги босқични бошлаб берди ва кўп қиррали ҳамкорлик ривожини кенг имкониятлар очди. Давлатимиз раҳбари ташрифнинг биринчи кунини Улан-Батор шаҳрида Президент Ухнаагийн Хурэлсух билан тор доирада ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказди. Амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари, энг аввало, савдо-иқтисодиёт ва саноат соҳаларида кооперацияни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги музокара-лар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғу-

листон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух Кенг қамровли шериклик муносабатларини ўрнатилиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолادилар.

Шунингдек, Президентлар ҳузурида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

— ўсимликлар карантини ва ҳимояси, олий таълим, тоғ-кон саноати, атроф-му-

ҳитни муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани, жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар;

— икки мамлакат архив идоралари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, сано-

ат ва савдо вазирлиги билан Мўғулистон Иқтисодиёт ва тараққиёт вазирлиги ўртасида, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2026-2027 йилларга мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан Мўғулистон Маданият, спорт, туризм ва ёшлар вазирлиги ўртасида 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Мўғулистон Озиқ-овқат, қишлоқ ҳўжалиги ва енгил саноат вазирлиги ўртасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳамкорлик режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги билан Мўғулистон Маданият, спорт, туризм ва ёшлар вазирлиги ўртасида экотуризм соҳасидаги ҳаракатлар режаси.

Ушбу муҳим ҳужжатлар ўзаро алоқаларнинг янги босқичида икки юрт учун истиқболли ва муҳим аҳамиятга эга ўзаро манфаатли муносабатлар бошланганини тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик стратегик манфаатларга қучуқ ҳурмат ва тарихий-маданий яқинликка асосланган. Умуман, кенг қамровли шериклик абадий дўстлик риштасини мустаҳкамлаб,

ҳамкорлик тарихида янги саҳифа очиши шубҳасиз.

Президентлар рафиқалари билан икки мамлакат санъат усталарининг қўшма концертида иштирок этдилар.

Ташрифнинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух рафиқалари билан бирга «Их Тэнгэр» давлат мажмуаси боғида дарахт экидилар.

Маросим икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани, Ўзбекистон — Мўғулистон кенг қамровли шериклик муносабатларининг ривожланишида янги босқич бошланганининг рамзи бўлди.

Ташриф давомида олий мартабали меҳмонлар «Наадам» аънавий мўғул беллашувларини томоша қилдилар.

Мўғулистонга илк ташриф икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари ривожига тарихий воқеа бўлди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мўғулистонга давлат ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ 2030 ЙИЛГА ҚАДАР РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг (кейинги ўринларда — маҳаллий Кенгашлар) ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ташвишга солаётган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича ваколатларининг такомиллашгаётганлиги, шунингдек, **янгиланган Конституцияда** маҳаллий Кенгаш раиси ва ҳоким лавозимлари бир-бирдан ажратилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, **“Қучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким”** тамойилини рўёбга чиқариш мақсадида қарор қилман:

1. Мақсадлар

1. Ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб қуйидагилар белгилансин:

а) маҳаллий даражада **халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш**, жумладан, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти **вакиллик органларининг ролини ошириш**;

б) фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этишига оид **демократлаштириш жараёнларини мустаҳкамлаш**, ижро ҳокимияти органларининг маҳаллий халқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлигини ошириш;

в) ҳудудий бошқарувни **“аҳоли манфаатларига ҳизмат қилиш”** тамойили асосида **номарказлаштириш** ва Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари **ваколатларини мувозанатли тақсимлаш**, ҳар бир бўғиндаги маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг **вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш**;

г) ҳудудларро савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кучайтириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари **халқро ҳамкорлигининг** ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш.

(Давоми 2-бетда).



Дунё нигоҳи

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ, ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИССА ҚЎШМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 24-25 июнь кунлари Мўғулистонга давлат ташрифи икки мамлакат муносабатларида тарихий воқеа бўлиб, ўзаро ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди. Бу Ўзбекистон етакчисининг Улан-Баторга илк ташрифи ҳисобланади ҳамда расмий Тошкентнинг Шарқий Осиё минтақасида дипломатик ва иқтисодий иштирокини кенгайтириш истагини яққол намойён этади.

Ташриф чоғида олий даражадаги музокаралар ўтказилди, унинг якунлари бўйича Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида Кенг қамровли шериклик муносабатларини ўрнатилиш тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди. Ушбу ҳужжат томонларнинг савдо ва инвестициядан тортиб таълим, маданият ва халқаро ҳамкорликкача бўлган барча муҳим йўналишларда ўзаро алоқаларни чуқурлаштиришга тайёр эканидан далолат беради. Бу, шунингдек, расмий Тошкент ва Улан-Батор ўртасидаги ҳамкорликнинг узок муддатли истиқболга йўналтирилган янги форматини ҳам белгилаб берди.

Ҳамкорликнинг янги архитектураси умумий стратегик манфаатлар, суверенитет ва ҳудудий яқинлиқни қўллаб-қувватлаш ҳамда барқарор ривожланишга интилишнинг умумий истагини намойён қилади.

Давлат раҳбарлари минтақавий барқарорлик, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Ташрифнинг аҳамияти ва эришилган қилишувлар сиёсатшунослар, халқаро муносабатлар бўйича экспертлар, минтақавий дипломатия мутахассислари учун муҳим мавзуга айланиб бормоқда.

Халқаро экспертлар таъкидига кўра, Ўзбекистон — Мўғулистон мулоқоти тобора барқарор ва прагматик тус оляпти, икки томонлама алоқалар динамикаси эса ўзаро манфаатдорликдан далолат беради.



Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенатининг

саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

25 июнь кунин Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисини Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Сенатнинг саккизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунин сенаторлар томонидан амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, олдида турган биринчи даражали вазифалар муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, қўрилаётган чоралар натижасида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.



Юртимиз бўйлаб...

ЖАНУБ ГАВҲАРИ



SURXONDARYO VILOYATI

4-саҳифага қаранг.

Парламент дипломатияси

ЎЗАРО ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси У. Улуташ билан учрашди.

Кейинги йилларда давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғаннинг сиёсий иродаси билан кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари ўзаро ишонч ва дўстлик ришталари асосида жадал ривожланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик мутлақо янги босқичга кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

У. Улуташ, ўз навбатида, самимий муносабат учун миннатдорлик билдириб, сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида жадаллик билан олиб борилаётган тарихий ислохотларга юқори баҳо берди.

Шунингдек, у Ўзбекистондаги вазирлик ва идоралар вакиллари билан ўтказилган учрашувларда ўзбек томони турк халқини қардоши сифатида билиб, доимо илиқ муносабатда бўлганини таъкидлади.



Элчининг айтишича, Туркия парламентида 100 дан ортиқ давлатлар билан дўстлик гуруҳлари тузилган бўлиб, энг фаоли “Туркия — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи ҳисобланади. Унга кўра дўстлик гуруҳи аъзолари ўз вазифаларини бажариш билан биргаликда қардошлар билан мунтазам мулоқотда бўлишдан ҳамиса мамнун.

Учрашувда элчи ваколати доирасида икки давлат ўртасидаги парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашга ҳисса қўшишга тайёр эканини билдирди.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОХОТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

“Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи” халқаро ташкилоти томонидан 2025 йил учун эълон қилинган Барқарор ривожланиш ҳисоботи рейтингига Ўзбекистон ўз кўрсаткичини 19 поғона яхшилаб, 167 та мамлакат орасида 62-ўринни эгаллади.

Эътироф

Ҳисоботда мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар юқори баҳоланган. Яъни Ўзбекистон 2015 йилдан буён Марказий Осиё ва Шарқий Европа минтақаларида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича энг тез суръатларда тараққиётга эришган давлат сифатида тилга олинган.

Хусусан, камбағалликни қисқартириш, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, гендер тенгликка эришиш, ижтимоий ҳимоя ме-

ханизмларини кучайтириш, рақамли ва “яшил” иқтисодиётни жадал ривожлантириш, шунингдек, статистик маълумотларнинг очиклигини ошириш соҳаларида эришилган ютуқлар алоҳида қайд этилди.

Халқаро экспертлар томонидан Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасидаги ютуқлари Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида олиб борилаётган кенг қамровли институционал ва таркибий ислохотларнинг натижаси экани яқдиллик билан эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ 2030 ЙИЛГА ҚАДАР РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСINI ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

II. Дастурий ҳужжатлар ва уларни амалга ошириш механизмлари

2. Куйидагилар:
- а) Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;
- б) Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;
3. Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ташаббускорлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги ваколатларни Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиш бўйича тақлифларга розилик берилсин:
- а) давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини белгилаш;
- б) дафн этиш жойларини сақлаш қондаларини ва дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш;
- в) ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш;
- г) йўлларнинг айрим қисмларида ҳаракатланиш тезлигини оширишга ёки қамайитиришга (тегишли йўл белгилари ўрнатиб) рухсат бериш.
4. Белгилаб қўйилсинки:
- а) бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда маҳаллий бюджет харажатларининг муайян қисминини маҳаллий Кенгаш депутатларининг бевосита ташаббуси

асосида шакллантириш амалиёти йўлга қўйилади;

б) Олий Махлис палаталари ҳузуридаги ёшлар парламентлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик асосида маҳаллий Кенгашлар қошида Ёшлар гуруҳлари ташкил этилади;

в) маҳаллий Кенгаш ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда илмий доиралар вакилларидан иборат жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Маслаҳат гуруҳлари ташкил этилади;

г) маҳаллий Кенгашлар котибиятлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан мустақил молиявий ҳисоб-китоб тизими жорий этилади;

д) Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиси ўринбосари институти ташкил этилади.

5. Концепция доирасида қуйидаги тақлифларни амалга оширишга розилик берилсин:

- а) вилоят, Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлигига номзодларни тегишли маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама қилиш, Кенгаш сессияларида номзодлар томонидан ўз йўналишлари бўйича ҳудудни ривожлантириш дастурларини тақдим этиш тартибини жорий этиш;
- б) маҳаллий Кенгашларда депутатлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг айрим муҳим ижтимоий масалалар юзасидан ахборотларини эшитиш бўйича “Кенгаш соати” институтини жорий қилиш;
- в) маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ташкилий-молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларини маҳаллий бюджет параметрларида алоҳида кўрсатиш орқали меҳ-

натга ҳақ тўлаш, рағбатлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш шартларини маҳаллий ижро этувчи ҳокимият даражасидан бестўлмас ҳолда белгилаш;

г) маҳаллий Кенгашларнинг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияларига Кенгаш қарори билан лавозимга тасдиқланадиган, тайинланадиган, лавозимга тайинланишида Кенгаш розилиги олинадиган мансабдор шахслар томонидан одоб-ахлоқ нормаларини бузганлик бўйича ишларни кўриб чиқиш ҳуқуқини бериш;

д) Маҳаллий Кенгаш қарорларини қабул қилиш жараёнининг очиклигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг сессия ишини бевосита қузатиш имкониятини яратиш. Бунда маҳаллий Кенгаш сессияларида фуқароларнинг сессия ишига аралашиш ҳуқуқисиз қузатувчи сифатида иштирок этиши тартибини белгилаш.

III. Ахборот ва дастурий таъминот

6. Рақамли технологиялар вазирлиги босқичма-босқич “Е-Kengash” электрон платформасини “қулайлик — соддалик — хавфсизлик” тамойили асосида доимий такомиллаштириб брсин. Бунда “Е-Kengash” электрон платформасида қуйидаги асосий имкониятлар бўлиши назарда тутилсин:

- а) маҳаллий Кенгашлар фаолиятига доир ҳужжатларни хавфсиз электрон архив платформасида (blockchain) сақлаш имкониятини жорий этиш;
- б) катта ҳажмли маълумотлар билан ишлашда жамланган намунавий ҳужжатлар, тахлилий маълумот, ҳисобот ва ахборотлардан фойдаланишни йўлга қўйиш орқали қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида тезкорлик ва қулайлик яратиш;
- в) “Е-Kengash” электрон платформасини турли ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва киберхукумларнинг олдини олиш нуктаи назаридан такомиллаштириш;

г) “Е-Kengash” электрон платформасида ҳужжатларни тасдиқлаш ва имзолашда Кенгаш раисини биометрик идентификациялаш (Face ID) технологияларини жорий этиш;

д) сунъий интеллект технологиялари асосида маҳаллий Кенгашлар қарор лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини муҳокама қилиб бориш тавсия этилсин.

8. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу Концепция доирасида амалга ошириладиган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб брсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 23 июнь

ЎЗАРО ДЎСТЛИК
АЛОҚАЛАРИ
ЯНАДА КЕНГАЯДИ

◀

Олий Махлис Қонунчилик палатасида Спикер Н. Исмоилов ва Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Д. Чотонов ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Элчи Д. Чотонов охириги йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ҳамкорлик янгича мазмун-моҳият касб этаётгани, ҳар икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ҳамда яқин муносабатлари туфайли ҳар томонлама алоқалар кенгайиб, мустаҳкамланаётганини эътироф этди.

У, шунингдек, Ўзбекистон тез ривожланаётгани ва кўпгина халқро тадбирлар марказига айланганини қайд этди.

Учрашув давомида икки давлат ўртасида парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Олий Махлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов Венгриянинг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ижовез Рожа билан учрашди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, олий даражадаги учрашувлари туфайли Ўзбекистон — Венгрия ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик изчил ривожланиб, барча даражада фаол мулоқотлар давом этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил май ойида Венгрияга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириб, икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Венгрия элчисига янги тахрирдаги Конституция ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилди.

Ўз навбатида, Й. Рожа илқ ва дўстона муносабат учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда барча соҳада олиб борилаётган тарихий ислохотлар ва унинг натижаларини юқори баҳолади.

Унинг таъкидлашича, жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси юқори даражада ташкил этилиб, ушбу тадбир Ўзбекистоннинг халқро майдонда ва парламент дипломатиясини ривожлантиришдаги фаол ролини тасдиқлади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда парламентларо дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, парламент дипломатияси салоҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланиб, парламентларо алоқаларни янада кенгайтиришга оид истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Олий Махлис Сенати
Ахборот хизмати
раддияси

Олий Махлис Сенати Ахборот хизмати ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган, гўёки Олий Махлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “Ўзбекистон фуқароларининг махсус хабарининг чалғитишдаги иштироки қонуний” дегани акс этган видео юзасидан раддия эълон қилди.

Унга кўра ушбу видео “фейк” хабар бўлиб, сунъий интеллект ёрдамида ясалган ўхшаш овоз ёрдамида тайёрланган. Кенг жамоатчиликни қалғитишга қаратилган бу видео ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Сенат Ахборот хизмати бундай ёлғон хабарни кескин қоралайди ва провокация деб баҳолайди. Шу муносабат билан барчани ҳар қандай хабарнинг ишончлилигини расмий манбалар орқали текширишга, ёлғон ва сохта маълумотларни тарқатмасликка чақиради.

«Халқ сўзи».

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ АРХИТЕКТУРАСИ

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ, ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҺИССА ҚЎШМОҚДА

◀

Солиҳ ЙИЛМАЗ, Россия ва МДХ мамлакатлари тадқиқотлари институти директори, профессор (Туркия):



— Ташриф нафақат икки томонлама муносабатлар контекстида, балки Евроосиё микёсида ҳам йирик ташқи сиёсий воқеа бўлди. Бундай юксак савияда илк бор амалга оширилган ташриф Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги стратегик ўзгаришлар, дипломатик ва иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш йўлидан борилаётганининг ёрқин намоёниди.

Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги яқинлашув денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган икки давлатнинг ўзаро ёрдамини кучайтириш ва барқарор транспорт-логистика йўналишларини яратиш истагини акс эттирди. Қуруқликдаги транспорт йўлакларини оптимallasштириш бўйича қўшма тадқиқотлар ўтказиш тақлифи узокни кўзлаган ташаббус бўлиб, Евроосиё логистикаси харитасини ўзгартириш имкониятига эга.

Айниқса, етакчилар ўртасидаги мулоқот декларатив эмас, балки амалий характерга эга бўлгани жуда муҳим. Асосий эътибор геология-қидирув, тоғ-кон саноати, саноат кооперацияси, агросаноат ишлаб чиқариш масалаларига қаратилди. Бу прагматик иқтисодий ҳамкорликнинг янги босқичи бошланганидан далолат.

Битимларни амалга ошириш бўйича қабул қилинган “йўл харитаси” томонларнинг эришилган келишувлар барқарорлигини таъминлашга қаратилган сиёсий иродасининг муҳим кўрсаткичидир. Тадбиркорлик субъектлари, саноат бошқармаларининг иштироки, Ўзбекистон махсулотлари савдо уйининг ишга туширилиши иқтисодий ҳамкорликнинг барқарор динамикасини таъминлай оладиган механизмлар саналади.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Мўғулистон Марказий Осиё ҳамда Шарқий Евроосиёда барқарорлик, алоқадорлик ва ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ҳар томонлама ва институционал шериклик асосларини яратди. Ушбу ташриф дипломатия нафақат раамзий яқинлашув, балки реал иқтисодий ва институционал ўсиш учун восита бўлиши мумкинлигига мисол бўла олади.

Ашраф Абу АРАФА, Мисирнинг “Ал-Дипломаси” ахборот агентлиги бош муҳаррири:

— Ўзбекистон ва Мўғулистон алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги тарихий ва стратегик муҳим қадам бўлган ушбу давлат ташрифи, айниқса, икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор амалга оширилаётган

ни билан аҳамиятлидир. Кенг қамровли шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация имзоланиши юксак ишонч даражасини кўрсатиб, Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатларида янги даврни очди.

Ўзбекистон раҳбари ташрифнинг иқтисодий кун тартиби саноат кооперациясидан тортиб қишлоқ хўжалиги ва экотуризмгача бўлган кенг кўламли йўналишларни қамраб олди. Улан-Баторда Ўзбекистон махсулотлари савдо уйининг очилиши шунчаки тадбир эмас, балки савдо алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳақиқий қадамдир. Пойтахтлар ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар, қўшма лойиҳалар ва таълим дастурларини йўлга қўйиш — буларнинг барчаси икки мамлакат халқларига сезиларли фойда келтиради.



Ташриф билан бирга Мўғулистонда Ўзбекистон маданияти қунари ҳам бўлиб ўтгани қувонарли. Бундай тадбирлар нафақат маданий яқинлашувга, балки халқлар ўртасида мустаҳкам инсоний ришталарнинг шаклланишига хизмат қилади.

Ишончим комилки, айнан шундай ташрифлар Ўзбекистоннинг маънавиятини, очик ва узокни кўра оладиган давлат сифатидаги замонавий қиёфасини шакллантиради. Бу эса Ўзбекистоннинг кучли етакчиси раҳбарлигидаги дипломатия тинчлик, барқарор тараққиёт ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўмаклашаётганига яққол мисолдир.

Хумоюн ХОН, халқро муносабатлар бўйича эксперт (Покистон):

— Ўзбекистон Президентининг Мўғулистонга ташрифи нафақат минтақавий дипломатия тадқиқотчиси, балки Евроосиё ҳамкорлигининг ривожланаётган архитектурасини қузатувчи сифатида ҳам эътиборимни тортиди. Бу шунчаки протокол ташрифи эмас, балки расмий Тошкент ўзининг сиёсий ва иқтисодий иштирокини аънавий минтақадан ташқарида кенгайтираётганининг белгисидир.

Томонлар давлатлараро декларациялар билан бир қаторда аниқ ташаббусларга ҳам эътибор қаратгани, айниқса, аҳамиятли бўлди. Ўзбекистон ва Мўғулистон табиий ресурслар, ишлаб чиқариш, логистика, шунингдек, технология ва таълим соҳаларида узок муддатли ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Эришилган келишувларнинг амалий ижроси, ҳусусан, Улан-Баторда Ўзбекистоннинг тоғ-кон саноати бўйича тармоқ ваколатхонасининг очилгани эътиборга молик.



бўлиб, минтақадаги бошқа давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, ташрифнинг маданий алмашинувлар, таълим соҳасидаги ташаббуслар ва тўғридан-тўғри авиарейсларни йўлга қўйишни ўз ичига олган “инсон мезони”ни ҳам таъкидлаш жоиз. Бу барқарор халқро муносабатлар учун жуда муҳим бўлган ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Теранроқ айтсак, Ўзбекистон стратегик фикрлаш ва изчил ҳаракат қилиш қобилиятини намоён этапти. Мўғулистонга ташриф ҳам бундан мустасно эмас, балки иқтисодий дипломатия ва миллий манфаатлар уйғуллашган сиёсатнинг давомидир.

Альберт ТАМ, Хитойнинг “Inter Continantal Group” компанияси президенти, Цзянси молия ва иқтисодиёт университети профессори:



листонга ташрифи, шубҳасиз, шериклиكنи диверсификация қилиш стратегиясининг бир қисми бўлиб, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб беради.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу мамлакатга илк давлат ташрифи давомида бўлиб ўтган олий даражадаги музокаралар гоят раамзий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, унда асосий эътибор иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилди.

Музокаралар давомида эришилган келишувлар ўзаро манфаатли йўналишларнинг кенг доирасини қамраб олгани ҳолда улар аниқ ташаббуслар билан қўллаб-қувватланмоқда.

Шубҳасиз, Улан-Баторда савдо уйининг очилиши, соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш материаллари соҳасида илк қўшма лойиҳаларнинг ишга туширилиши ижобий динамика яратмоқда.

Транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган

ти. Экспертлар ҳамжамиятини жалб қилган ҳолда тўғридан-тўғри авиарейсларни йўлга қўйиш ва янги логистика йўлакларини ўрганиш режалари стратегик аҳамиятга эга.

Ишончим комилки, режалаштирилган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ҳар икки давлатнинг иқтисодиёти ва халқро майдондаги мавқенини мустаҳкамлаш имконини беради.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академияси Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ходими:

— Давлатлар ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш таъминиларига асосланган халқро муносабатлар тизимида Ўзбекистон — Мўғулистон шериклигини муносиб ижобий намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Президент Шавкат Мирзиёев 2024 йил 23-26 июнь кунлари Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг Ўзбекистонга илк давлат ташрифи чоғида таъкидлаганидек, улар вазиятга боғлиқ эмас. Ана шундай таъминиларга асосланган икки томонлама муносабатлар ҳукуматлар, парламентлар ва вазирликлар даражасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб, мамлакатларни яқинлаштириш ва ҳамкорлик соҳаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Мўғулистонга давлат ташрифи икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканининг яққол тасдиғидир. Кенг қамровли шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзоланиши Ўзбекистон — Мўғулистон ҳамкорлигида дўстлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлашга асосланган янги босқични бошлаб берди.

Умуман, муносабатларни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор. Ўзбекистонда бугунги кунда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари, мамлакатнинг минтақавий ва халқро микёсда ижобий обрўсини мустаҳкамлаб бораётган туб ислохотлар жараёни давом этмоқда. Мўғулистон ҳам иқтисодий ўсишнинг изчил юқори суръатларини кўрсатяпти. Мамлакатда саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги сектори, инфратузилмини тўлиқ модернизация қилиш ишлари жадал амалга ошириляпти.

Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатлари дунё тартибининг янги архитектурасида тинчликни мустаҳкамлаш ва дўстона муносабатларни барпо этишга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

асосан, Осиё-Тинч океани минтақасида, 40 дан ортиқ мамлакатларда фаолият юритади. Унинг асосий вазифаси инсон ресурсларини ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва қишлоқ жамиятларини мустаҳкамлаш орқали барқарор тараққиётни таъминлашдир.

Тадбир якунида япониялик меҳмонлар учун ўзбек миллий таомлари — ош ва тандир сомса тайёрлаш жараёни бўйича мастер-класс ўтказилди. Бу меҳмонларда Ўзбекистоннинг бой маданияти ва миллий аънаҳаларига нисбатан катта қизиқиш уйғотди.

«Халқ сўзи».

Марказий банк ҳамда Омонатларни қафолатлаш агентлигининг қўшма қарори асосида санация қилиш жамғармаси ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Ахборот МухаммадОВ олган сурат.

Биргина жорий йилнинг ўзида sanoat 6,4 фоизга ўсди, экспорт ҳажми 18 фоизга, хорижий инвестициялар 46 фоизга ошди. Қиймати 3 миллиард долларлик 2,5 мингдан зиёд янги қувватлар ишга тушди.

Бироқ бугунги замон ривожланиши, дунёда юзага келаётган глобал муаммолар, янги уруш ўчоқлари ҳамда беқарорликнинг давом этиши ислохотларни янги босқичга олиб чиқишни, тараққиёт суръатларига мос янги вазифаларни қўйишни талаб қилмоқда.

Хусусан, ислохотларнинг самарадорлигига салбий таъсир қилувчи омиллар қайд этилди.

Жумладан, вазирлик ва ҳокимликлар, уларнинг вилоят, туман даражасидаги бўғинларининг муаммоли масалаларни ҳал қилиш бўйича иши етарли даражада самарадор эмаслиги таъкидланди. Кўпгина муаммоларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослардаги мавжуд камчиликлар сабаб бўлмоқда.

Аҳоли қайғиятига таъсир қилувчи, жумладан, сув таъминоти, туман ва маҳалладаги инфратузилма, озиқ-овқат хавфсизлиги, бандлик, камбағалликдан чиқариш, маҳаллий бюджет тушумлари ошириш, жиноятчиликни қисқартириш, йўл қурилиши, жомоат транспорт, шаҳарсозлик, “Яшил макон” лойиҳасини амалга ошириш, энергия таъминоти каби муҳим соҳалардаги бирламчи вазифалар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, белгиланаётган вазифа ва топшириқларни самарали амалга ошириш учун янги ташкилий ва маъмурий ислохотлар бошлангани, мавжуд муаммолар, аҳоли томонидан кўтарилаётган муурожаатларни ҳал қилиш бўйича янги тизим ишга туширилаётгани қайд этилди.

Сенаторлар Президент томонидан қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, жойларда аниқланган муаммоларни бартараф қилишда ҳудуд ва республикадаги масъулларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириб бориш лозимлиги қайд этилди.

Фуқаролар билан ишлаш тартибини янги даражага олиб чиқиш, муурожаатларни доимий таҳлил қилиш, аҳоли томонидан кўтарилган муаммоли масала-

ларни Сенат мажлисларига олиб чиқиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, дастурлар, лойиҳаларнинг ижросини таъминлашда уларнинг қай даражада самарали бажарилгани, қандай натижа берганига асосий урғу бериш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда маҳаллий Кенгашларнинг фаоллигини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Муҳокама якунида Олий Мажлис Сенати ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари олдидан бу борада турган биринчи даражаги вазифалар юзасидан Сенатнинг қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига парламентдаги муҳолифатнинг қафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда сўз эркинлиги муҳити яратилгани, халқ манфаатлари ва сиёсий иродаси эркин билдирилиши учун ҳуқуқий асослар мустаҳкамлангани, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини янада кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Ушбу қонун сўз эркинлигини таъминлаш, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда сиёсий партиялар фаолиятига оид 5 та қонунга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Унга қўра, ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясига қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилунига қадар ҳам ўша масалага доир қонун лойиҳасининг ёки унинг таркибий қисмининг муқобил таҳририни киритиш каби қўшимча ҳуқуқ берилмоқда.

Шунингдек, ушбу фракциянинг вакиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир нафар қўмита раиси ва икки нафар қўмита раиси ўринбосари лавозимларини қафолати эгаллаши, ҳар чоракда “ҳукумат соати” ва парламент сўрови доирасида масала киритиш ҳам назарда тутилмоқда.

Сенаторлар ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши қонун ижодкорлиги ва парламент назорати самарадорлигини оширишга ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳолифатнинг қафо-

латли ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шунингдек, ялпи мажлисда “Ижро иши бўйича қафолат маблағларини киритиш институти жорий этилиши муносабати билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Хусусан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг рақамлаштириш ҳамда инсон омилини камайтириш юзасидан қонунчиликка янги нормалар киритилган. Бундан ташқари, суд ҳужжатларини ижро этишдан ҳар қандай бўйин товланиш олдини олиш, фуқароларнинг мол-мулки ва пул маблағлари дахлсизлигини қафолатлашга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари амалиётга татбиқ қилинди.

Таҳлилларга қўра, 2022 — 2024 йиллар давомида суд қарорлари ижросига оид қўллаб ижро ҳужжатлари суд тартибида низолашаётганлиги ва давлат ижросини ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётганлиги сабабли ижро жараёнида муайян муаммолар вужудга келмоқда. Натижада қарздор ўзига нисбатан қўлланилган чекловлар сабабли ўз фаолиятини давом эттири олмаётти.

Шу ўринда суд қарори қабул қилинган шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлаш мақсадида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнига қафолат маблағини киритиш институтини жорий этиш зарурати юзага келмоқда.

Бунда ижро иши бўйича қафолат маблағларини киритиш ижро иши юртиш тўғрисидаги қарорлар, қарздорга ва унинг мол-мулкига нисбатан қўлланилган чекловларни бекор қилиш учун асос бўлиши назарда тутилмоқда.

Сенаторлар ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда суд қарорлари ижросини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Мамлакатимизда корпоратив муносабатларни ривожлантириш ҳамда замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш бўйича самарали изчил ислохотлар олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, сенаторлар қонунчиликни халқроқ нормаларга, шу жумладан, Жаҳон савдо ташкилотининг битимларига ўйғунлаштириш орқали ташқи савдон янада либераллаштириш зарурати юзага келаётганлигига алоҳида урғу берди.

Бугунги кунда республика импортининг 32,3 фоизи эркин савдо режими ўрнатилган мамлакатлар, 61,4 фоизи энг кўп қулайлик бериш режими қўлланилаётган давлатлар ҳиссасига ва қолган 6,3 фоизи савдо режими белгиланмаган давлатлар ёки ишлаб чиқарган мамлакатни аниқланмаган товарлар ҳисобига тўғри келади.

Хусусан, республикага импорт қилинаётган товарларнинг 95 фоизи Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлардан, қолган 5 фоизи эса ушбу ташкилотга аъзо бўлмаган давлатлардан олиб келинмоқда.

Шуларни инобатга олган ҳолда, мазкур қонун билан Божхона кодексига энг кўп қулайлик бериш режимига эга бўлмаган давлатлардан Ўзбекистонга келтирилаётган товарлар учун товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат мавжуд бўлмаганда импорт божини икки қарра ошириб қўллаш амалиёти бекор қилинмоқда.

Шу билан бирга, божхона органи томонидан ҳаракатлар ёки тартиб-таомиллар бажарилгандан сўнг Давлат бюджетига ўтказилиши белгиланган божхона тўловларининг муддати 5 иш кунидан 3 иш кунига қисқартирилмоқда.

Мазкур ўзгаришлар ва қўшимчалар билан миллий қонунчилик нормаларини Жаҳон савдо ташкилоти қондаларига мувофиқлаштириш орқали ташқи савдонни адолатли қондалар асосида амалга ошириш, импорт ва экспорт кўламини кенгайтиришга эришилди.

Шунингдек, ушбу қонунда акциядорлик жамиятлари ижро органлари ҳамда қузатув кенгашлари аъзоларининг фидуцар мажбуриятларини, жамият мажоритар акциядорларининг умумий мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаш ҳисобига корпоратив муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усулб ва механизмларини жорий этиш каби масалалар ҳам ўз аксини топган.

Ялпи мажлис давомида қонун қизгин муҳокама қилиниб, унинг келгусида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қулай шарт-шароитлар яратишга, иқтисодиётни жадал ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши ҳақида фикрлар билдирилди.

Муҳокама якунида мазкур қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг 8-ялпи мажлисида “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Мазкур қонун фуқаролар ва мамлакатимизда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиши ҳамда чет эл фуқароларининг ва бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимизда меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида жалб этилиши билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиди.

Муҳокама жараёнида қонунни қайта қўриб чиқишни талаб этувчи қатор масалалар мавҳудлиги таъкидланди.

Жумладан, айрим давлат органларининг мазкур соҳадаги ваколатларини сўнгги маъмурий ислохотлардан келиб чиққан ҳолда қайта

қўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, хорижга ишга юбрувчи ташкилотларга Миграция агентлигининг хориждаги ваколатоналари билан ҳамкорликда меҳнат шартларига риоя этилишини ўрганиш ҳуқуқини бериш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, хорижга ишга юбрувчи ташкилот томонидан мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, меҳнат мигрантини Ўзбекистонга қайтариш жараёни Агентлик томонидан амалга оширилиши ва харажатларни юбрувчи ташкилот маблағлари ҳисобидан қоплаш механизмининг қонунда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномани бериш, унинг амал қилишини тўхтатиш, тугатиш ёки бекор қилиш асосларини ҳам қайта қўриб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилди. Шу билан бирга, тасдиқнома учун ўндириладиган йўғим микдори юзасидан аниқ ҳуқуқий механизмларни белгилаш зарурлиги қайд этилди.

Оқоридаги қонун иноватга олиб, қонунни қайта қўриб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб топилиди ва мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳага замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалигида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, шунингдек, соҳада фаолият олиб бораётган субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада қучайтириш зарурати юзага келмоқда.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, “Уруғчилик тўғрисида”ги ва “Ўзбошимчилик билан эгалаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонунларга Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига ўтказилганлиги муносабати билан амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш юзасидан тахририй ўзгаришлар киритилмоқда.

Шунингдек, “Давлат божни тўғрисида”ги қонунга Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноатни ривожлантириш агентлиги ўзининг ҳамда мева-сабзавотчилик йўналишидаги маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи субъектларнинг, иссиқхона ҳўжаликлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларга берилган аризалар, шикоятлар ва даъволар юзасидан давлат божини тўлашдан озод этилишини белгиловчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавотчилик со-

ҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аграр соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Муҳокама якунида ушбу қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал мулк соҳасидаги хабардорлик даражасини ошириш, яратилган интеллектуал фаолият натижаларини муҳофаза қилиш жараёналарини рақамлаштириш орқали ортиқча талабларни бекор қилиш ҳамда интеллектуал мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ишончли тарзда муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда. Улар интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини соддалаштириш, айрим интеллектуал мулк объектларини экспортга қилиш муддатларини қисқартириш, рўйхатдан ўтказиш жараёнида ортиқча ҳужжатлардан воз кечиш каби масалаларни ўз ичига олган.

Бундан ташқари, патент божларини тўлашда қўшимча қулайликлар жорий этиш ҳамда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарлиқни қучайтириш назарда тутилмоқда.

Жумладан, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонунга киритилаётган ўзгаришларга қўра электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни рўйхатдан ўтказиш учун талабнома келиб тушганидан сўнг керакли ҳужжатларнинг бор-йўқлиги ва қондаларнинг талабларига қанчалик мувофиқлиги юзасидан ўтказиладиган текшириш муддати ўн кун этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, саноат мулки объектларини рўйхатга олишда патентни тасдиқлаш тартиби енгиллаштирилмоқда. Бунда саноат мулки объекти рўйхатга олинганда патент талабнома берувчига автоматик тарзда электрон тизим орқали юборилади.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу қонун мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига ва инновацион жиҳатдан юксалишига самарали таъсир кўрсатувчи интеллектуал мулк тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур ҳужжат жамиятда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга ҳамда интеллектуал мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам қаратилгандир.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш қуни қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Кеча Олий Мажлис Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг биринчи кунда қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Муносабат

Озиқ-овқат хавфсизлиги — устувор вазифа

Анвар ТҶИЧИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси:

— Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, деҳқон-фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилишда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларида инвестицияларни жалб қилиш, ресурستهамкор технологияларни жорий этиш ҳамда соҳага замонавий техникалар олиб кирилиши ҳисобига қонун ижобий натижаларга эришилмоқда.

Статистик маълумотларга қўра, ўтган йилда 33,6 минг гектар мевали бот ва 101 минг гектар узумзор барпо этилган. Ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлиги паст бўлган 26,2 минг гектар бот ва 23 минг гектар тоқзор реконструкция қилинган. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг экспорт географияси 10 та давлатга кенгайиб, 83 тага етган ва уларга 2,3 млрд. долларлик маҳсулот юборилган.

Соҳадаги илмий марказлар, таж-

риба ҳўжаликлари билан ҳамкорликни ривожлантириш орқали замонавий билимлар, янги технологияларни амалиётга татбиқ этиш қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ва давлат назоратини қучайтириш, шунингдек, интенсив усулда бот ҳамда тоқзорлар барпо этиш, иссиқхона ҳўжаликларини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Шу билан бирга, рақобат муҳитини ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан берилиб, ўз муддатида қайтарилмаган соуда ҳамда мақсадсиз фойдаланилган субсидия маблағларини қайтариш масалаларига оид даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судларга муурожаат қилишда давлат божини тўлашдан озод этиш зарурати юзага келмоқда.

Тақлиф этилаётган “Ўзбекистон

Қайд этилганидек, ушбу масалалар ва қонунлар давр талаби асосида ишлаб чиқилган ҳамда қизгин мунозаралардан кейин Сенат муҳокамасига қўйилган. Сенаторлар улардан айримларининг мазмун-моҳияти ва ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги аҳамияти борасида фикр билдирди.

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва бошқа қонунларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг номи аниқлаштирилишини ва унга қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида муурожаат этмаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш ваколати берилишини назарда тутувчи ўзгаришлар киритилмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга, мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, аграр соҳадаги республика ижро этувчи ҳокимият органларининг яхлит тизимини шакллантиришга хизмат қилади.

Судларга муурожаат қилиш учун ажратилган давлат божни тўловидан тежалган маблағларни тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари янада ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш учун йўналтиришга эришилди.

Жамият сиёсий ҳаётини эркинлаштиришнинг янги босқичи

Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси:

— Таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтидан бири, бу — сиёсий партиялар. Кейинги йилларда мамлакатимизда уларнинг жамиятдаги ролини янада қучайтиришга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Сиёсий партияларга янги ваколатларнинг берилиши билан ўз-ўзидан уларнинг жамият олдидagi масъуллиги қучаяди. Умуман, улар ваколатларининг кенгайтирилиши жамият сиёсий соҳасини эркинлаштириш жараёнининг янги босқичини бошлаб беради. “Қучли давлатдан — қучли фуқаролик жамияти сари” сиёсий концептуал дастурнинг асл моҳияти ҳам, асосан, ана шу мақсадга қаратилган.

2024 йил 18 ноябрь кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 1-мажлисида Президентимиз томонидан парламент назоратида кенг кўламли, сифатли назорат тизимига ўтиш зарурлиги таъкидланиб, гоаялар курашини жонлантириш учун парламентдаги муҳолифатга қафолатланган ҳуқуқлари сонини ошириш, “ҳукумат соати” ва парламент сўрови доирасида масала киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар бериш тақлиф қилинган эди.

Дарҳақиқат, бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партиялар фракциялари учун қонунда назарда тутилган ваколатлар ҳамда ҳуқуқларни янада кенгайтириш заруратини юзага келтир-

моқда. Шу боис “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига парламентдаги муҳолифатнинг қафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилди.

Қонун 6 та моддадан иборат бўлиб, у билан Ўзбекистон Республикасининг бир нечта қонунларига парламентда муҳолифатнинг қафолатланган ҳуқуқларини кенгайтириш назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шу ўринда “Муҳолифат нима ва парламентда муҳолифат нима учун керак?” деган савол тўғилиши табиий.

Муҳолифат — қабул қилинаётган қарорларни танқидий қўриб чиқиш орқали тўғри йўл танлашга қўмаклашиш, шу орқали қарорлар янада ҳалқчи, асосланган ва адолатли бўлишини таъминлашга хизмат қилади. Муҳолифат одатда назоратчи ролини бажариб, ҳокимиятга келган қучларнинг сергак, ўйғоқ бўлишини та



1 Хайитбой деган оғам бор. 91 ёшда. Сурхондарёнинг Қизирик туманида яшайди. Ўсқи замонда узок йил катта хўжаликнинг раҳбари бўлган. Бообру одам. Ер билан, эл билан, экин-текин билан тилдош. Йигитдек тетик, ҳар тонг бомдод намозидан кейин уч километр югуради. Етмиш йилдан буён кундалик тугради. Китобхон. Зиёдилар, айниқса, ёзувчи, шоирлару журналистларга меҳри бошқача. Тошкентга кам келади. Тез-тез телефонда гурунглашиб турамиз.

— Биласиз, мен тинмай газета-журнал ўқийман, — деди тунов куни Хайитбой ота. — Интернетиям тинч қўймайман. Ҳўсанг, кўнгил сув ичадиган мақолалар бор. Лекин кам...

— Тўри... — дейман секингина. — Биз қаламашлар ҳаёт шиддатидан сал орқада...

— Саёз гаплар, қуруқ рақамлар, — гапимга парво қилмай давом этади отахон. — Қандай зўр ишлар бўляпти. Завод, фабрика, бутун-бутун шаҳарлар қуриляпти. Газетга қарасанг, худди «тап» этиб осмондан тушгандай. Жумалалар оҳанжама, мактовлар бўёхсан. Ишчи ишчига, деҳқон деҳқонга ўшаб гапирмайди. Айтайми нега? Бормай, кўрмай ёзасизлар. Каердандир, эшитганларингни қўшиб-чатиб тўқийсизлар. Ука, бу ўзгаришлар Қорбобонинг совғаси эмас. Телевизорда Президентимизнинг «Бўлаётган ишларнинг қийинлигини билганлар билади, билмаганлар бахтли», деб қуюнганларини эшитганиммда, у кишига қўшилиб ёниб кетаман. Президентимиз нега бунчалар қўйиб-пишяпти, нега қийинчиликларни тушунмаганлар бахтли, деб ёзгиряпти, журналистлар шу ҳақиқатнинг томирини кўрсатиши керакмасми, ука?

Хайитбой отанинг гаплари, «нозик» кўнгилга малол келса-да, тан олишдан ўзга илож йўқ эди.

— Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг телефон рақами борми? — Мураккаб вазиятни юмшатмоқчи-дек сўради оғам. — Домланинг «Танланган асарлари»ни ўқиб, кўп мутаассир бўлдим. Раҳматини айтишим керак. Хўршид Дўстмуҳаммадниқям керак. Китобга «Сўзбоши»ни қўшиқ қиворибди.

— Биз томонга қачон келасиз? — сўради илтимоси бажарилган. — Келинг, Сурхон тўрисида бир «Сўзбоши» ёзинг сиз ҳам Хўршид инимга ўхшаб. Келсангиз, ўзим кўрсатаман, айлантираман Алпомишлар юрти Сурхонда, алплар ватани Сурхондарёда нималар бўлаётганини...

2 Алпомишлар юрти, алплар ватанига бораётганимни Хайитбой отага айтмадим. Аввал ўзим танишиб, қўриб, «Сўзбоши»га материал йиққангидан кейин оғамнинг зиёратига бораман.

Сафарнинг биринчи куни сурхондарёлик журналист Холмўмин Маматрайимов билан керакли идораларга кирдик, фактлар, рақамлар тўпладик.

Рақамлар... Тоғу тошлар оралаб келаётган жилғалар дарёга туташмагунча кўзга ташланмайдди. Турли жилларда сочилиб ётган рақамлар ҳам бир дафтарда жам бўлгандан сўнг кўкўпар чўққиларга айлангандек бўлар экан.

Нахотки, 7-8 йилда дунёга келган бўлса бу пахлавон рақамлар, дейман кўзларимга ишонгим келмай. Нахотки, 2017 йили вилоят бўйича ҳаммаси 1 минг 743 та бўлган саноат корхоналари 2024 йилга келиб 5 минг 845 тага етган? Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг саноатдаги улуши 1 миллиард 204 миллион 991 миллиард 652 миллион сўмга кўпайган?!

2017 йили вилоятда еттиштирилган пахта толасининг атиги 11 фоизи қайта ишланган, ҳозир 100 фоиз! Саросиёёда «Сурхон сифат текстил» МЧЖ, Деновда «Шашмахашоб» МЧЖ, Шеробода «Шерободтекстилинвест» МЧЖ, Термиз шаҳрида «Амударётекс», Жарқўргонда «Сурхонтекс» ва «Нортекстайл» корхоналари мазкур соҳанинг «драйвер»ларига айланган. Йили худудий махсулот ҳажми 2024 йил якуни билан 63,7 триллион сўмга, саноат махсулотлари ҳажми 2017 йилдаги 2,3 триллиондан 17,4 триллион сўмга; кўп қаватли уйлар сони 108 тадан 832 тага кўпайиб, кейинги саккиз йилда 31 минг хонадон ҳовли тўйлари ўтказган.

2017 йилда вилоят бўйича 387 минг 406 хонадон табиий газдан фойдаланган бўлса, бу кўрсаткич 452 минг 211 тага етган. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 2017 йилдаги 42, 4 фоиздан 64,7 фоизга кўпайган.

Аҳолининг тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишда Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилаётган «Тўпаланг» сув омбори билан боғлиқ лойиҳанинг алоҳида ўрни бор. Мазкур лойиҳа доирасида нақд 90 миллиард 83 миллион сўм ўзлаштирилиб, 153,1 километр ичимлик суви тармоғи

барпо қилинган. Саросиёёда суткасига 200 минг кубметр суви тозалайдиган иншоот қурилган. Денов туманида 20 минг, Шўрчи туманида 10 минг, Қумқўрғон туманида 5 минг куб метр сифмига эга ичимлик сувини сақлаш ҳамда тарқатиш ҳавзалари бунёд этилган.

Энди йўлга бўлган эйтиборни кўринг: 2024 йилнинг ўзида худуддаги 16 минг 171 километр автомобиль йўлининг 901,1 километрни тузатилиб, 20 та кўприк ва йўлўтказгичлар қурилган. 517,4 километр ички йўллар ҳашар асосида таъмирланган.

Хоржий инвестицияларни жалб этиш, импорт ўрнини босувчи махсулотларни ўзлаштириш ва маҳаллийлаштиришга жиддий эътибор берилгани сабабли ўтган йили 42 та корхона 362,1 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳаллий махсулотлар ишлаб чиқарган ва 20,4 миллион доллар тежаб қолingan.

Воҳанинг иқтисодий салоҳияти ошиб, 2024 йил 361,1 миллион долларлик товар, хизмат ва махсулотлар экспорт қилинган. Уларнинг 182,5 миллион доллар саноат, 178,5 миллион доллари мева-сабзавот, 58,4 миллион доллари тўқимачилик соҳасига тегишли. 2017 йилгача воҳадан дунёнинг бор-йўғи ўн та давлатига махсулот жўнатилган бўлса, энди 40 та мамлакатга махсулот экспорт қилинаётганига нима дейсиз?

Бундай маҳобатли рақамларни яна ва яна санайвериш мумкин. Улар Шеробод даштларидек бепоён, Бойсун қирларидек жилвакор...

3 Шеробод даштларидек бепоён, Бойсун қирларидек жилвакор рақамлар Хайитбой ота «Газетларни очсанг, худди «тап» этиб осмондан тушгандай...» деганда қанчалар ҳақ эканига яна бир қарра амин бўласан киши.

Мана, қаршимизда Ўзбекистон билан Афғонистонни бир-бирига боғловчи машҳур Хайратон кўприғи. Мовий осмон артилгандек тиник, ҳаво иссиқ, рўпарамиздан Жайхўннинг телба шабадаси эсиб турибди. Узоқда қўшни мамлакатнинг афсонавий Балх вилояти далалари, Мозори шариф, Хайратон шаҳарлари қарайиб кўринадди. Катта йўлнинг бир томонида божхона, иккинчи томонида Термизнинг Хайратон маҳалласи. Амударё ёқалаб озгина юрган киши янақанда ишга тушган «Термиз халқаро савдо маркази»га кириб боради.

Ўзбекистоннинг ташки сиёсатида инсонпарвар ва прагматик ёндашувнинг амалдаги ифодасига айланган бу мажмуининг Марказий Осиёда муқобили йўқ ва у алоҳида геостратегик аҳамиятга эга. Марказ «Карачи — Термиз — Тошкент — Қозоғистон — Россия» халқаро транспорт йўллагининг асосий бўғини ҳисобланиб, Ўзбекистон ва бутун минтақа учун Ҳинд океани портлари орқали жами бозорига чиқиш имконини яратмоқда.

Бу ерда Қозоғистон ва Хитой савдо уйлари ташкил этилган. Россия, Тожикистон, Қирғизистон, Беларусь каби давлатлар ҳам савдо уйларини очишга қизиқиб билдирган.

Мазкур мажмуининг яна бир муҳим жиҳати бор. Афғонистон бизнинг ён қўшнимиз. Ярим аср давом этган урушлар, аввал советларнинг, сўнгра америкаликларнинг зуғумлари, ундан кейинги ички низолар... Бутун бошли бир авлод ўқ ёмғирлари остида ўсди. Беҳисоб жанглар, тўқилган қонлардан сўнг ҳукумат Тolibон қўлига ўтди. Аммо ўзини жаҳоннинг бекармишиз, дегувчи давлатлар янги ҳокимиятни тан олмади. Афғон муаммоси улар учун муҳим эмас-да. Бизга эса Президентимиз дунё минбарларида, БМТ йигинларида қайта-қайта таъкидлаганларидек «тинч ва барқарор, минтақавий ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирок этувчи, қўшиллар ва бошқа мамлакатлар билан очик шерикликка тайёр Афғонистон керак. Жуда керак! ...Хўзирги қийин даврда Афғонистонни яқкалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас».

Афсуски, Ўзбекистон Президентининг мана шу оддий ва оқилона сиёсатини аввал ҳам, ҳозир ҳам тушунмаганлар ва тушунишни истамаганлар оз эмас. Юртбошимизнинг фикри эса ўзгармас ва қатъий: бизга тинч Афғонистон керак. Керакли бўлгани учун қўшни мамлакатда Ўзбекистон кўмағи билан қўнчалар, темир йўллар қуриляпти, маданий ва гуманитар ёрдамлар юбориляпти, Тolibон расмийлари билан бир пиёла чой устида оғир-оғир муаммолар ҳал қилиняпти. «Термиз халқаро савдо маркази»нинг барпо этилиши мазкур юмушларнинг давоми ҳисобланади. Марказнинг ишга туширилиши, афғонлар билан бордин-келдини ривожлантиришга, тадбиркорликка янги йўллар очишга, юзлаб одамларни иш билан таъминлаб, дастурхони тўқин, хонадони обод бўлишга хисса қўшмоқда. Ҳозир бу ерда 480 дан зиёд қўшма ва хоржий корхона фаолият юритяпти. Ўтган йилнинг ўзида Афғо-

нистон билан ташқи савдо айланмаси 57,4 миллион АҚШ долларига етди.

36 гектар майдонни қамраб олган марказда савдо дўконларидан ташқари замонавий меҳмонхоналар, хостел, клиника, бизнес маркази фаолият юритмоқда. Биргина «Akfa Medline» клиникаси йилга 46 минг беморга меҳру муҳаббат кўрсатиш имконига эга.

Логистика маркази йилга 22 минг юк машинасига хизмат кўрсатади. 1100 киши доимий иш билан таъминланган.

Мажмуадаги ўзбек ва афғон тадбиркорларининг ўзаро самимий муносабатларини кузатганда, Аму тўқинларининг ёқимли ёқинлари руҳинига айрича ҳаловат бағишлаётгандек туюлади — суюнасан. Беҳитиёр: «Бўларкан-ку!» дея ҳайқириб юборганингни билмай қоласан. Улар бир-бирларининг тилини, маданиятини, урф-одатларини қадрлайдилар.

Бу ерда афғонлар учун 15 кунлик вазасиз тартиб йўлга қўйилган. Бемалол сўм, доллар, евро, рубль ва юанда валюта алмаштириш мумкин.

Савол туғилади: қани, айтинг, шу олағовур замонда қайси давлат раҳбари ўз мамлакатигади қи муаммоларни ҳал қилиш баробарида ҳамсоямнинг рўзғори обод бўлсин, деб жон қуйдираяпти? «Бир кўнгил иморати — минг Макка зиёрати», дейдилар. Неча юз Макка зиёратига тенг эмасми бир бозор ортидан неча юзлаб афғону ўзбекининг қора қозони қайнаб тургани?

«Термиз халқаро савдо маркази»да эса куну тул ҳаёт қайнади. Юзларда шодлик, кўзларда қувонч. Ахир «Ён қўшинг — жон қўшинг», «Қўшинг тинч — сен тинч»-да! Ёмғир билан ер, тинчлик билан эл қўради. Тинчликдан улуг, тинчликдан азиз неъмат бор эканиму бу гардиши давронда, бу фиғонли замонда, бу жумлаи жаҳонда?

4 Бу гардиши давроннинг, бу фиғонли замоннинг, бу жумлаи жаҳоннинг ўнлаб нуқталарида қонхўр дроңлар ваҳишёна дайдагидан, бомбарл портлаган, шаҳару қишлоқларнинг қули қука соврилиб, оналар додлаган, чақалоқлар ҳажжи қўнчаларини мушт қилган қўйи чинқириб ййлаб турган бир пайтда, Худойимга минг шукр дейсан, таъзимлар қилгн келади Ватан сарҳадларини қучиб ётган сокин сўқунатга. Чечаклар атри уфуриб турган тонг еллари, йўнғичқарзорлардан кўтарилаётган беда хиди қалбингни аллалайди, шукроналик туйғуларига қўмилиб кетади жону жаҳонинг. Оқ ховури тонг пардаси кўтарилиб-кўтарилмай улкан жанг майдонига — чинакам меҳнат «фронти»га айланиб кетади Сурхондарёнинг шаҳару қишлоқлари, дашту далалари. Ҳамма жангда, ҳамма жангчи — жим турган одамни кўрмайсиз, кўролмайсиз. «Мустақиллиқнинг 25 йиллиги», Ховдоғ, Қакайди, Лалмикор нефт ва газ хазиналарида; Шарғун, Хисор, Бойсун, Қўхитанг тоғлари этакларидаги кўмир, Хонжиза ва Ҳўжаикондаги полиметалл, ош тузи қонларида ҳаёт қайнайди. Гипс, базальт, фосфор, гранит, темир, каолин, олтингургурт тайёрланадиган; чарм, фармацевтика, озиқ-овқат, нефть махсулотлари ишлаб чиқарадиган манзилларда меҳнат қилаётган кишиларнинг шиддати янаям ўзгача. Йилга 2,5 миллион тонна мева-сабзавот етиштирадиган деҳқонларнинг авжи баланд. Ҳатто сурхонча тандиркабобга ҳозирлик кўраётган, чўпончао биктирма, тошпатури гилминди, куртбао ширғуруч каби лаззатли таомлар тайёрлаётганларнинг ҳам қўли-қўлига теғмайди. Ёғоч қилларда қатикдан сариеғни ажратиб олиб, куз-киш ва баҳор фаслларида тановул қилиш учун чорва молларининг тозаланган қорнида сақлаш тадоригини кўраётган тоғликларнинг иши завқингизни баттар тоширади. Бу борада омонхоналиклар тажрибаси ҳеч қимми-кига ўхшамайди. Улар қўлбола сариеғни чорва молининг тозаланган қорнига солиб, қорларда сақлайдилар.

Хей, бу сурхонликлар-ей! Аждодлар аънаналарини уларчилик авайлаб-асраётган эл бўлмаса керак бу дунёда. Тўйлари қураш, кўпқарисиз ўтмайди. Узоқдан келган меҳмонларни қўшиллар-никига жойлаштираб, уларга «қўшхона», яъни озиқ-овқат бериш удуми ҳам ҳанўз бардавмо. Қунлар илиб, қиш кекинаётганда ўтказиладиган «Дарвешона» байрамиде баҳорнинг серёғин, ҳосилнинг мўл-қўл, йилнинг барокатли бўлиши учун эҳсон улашилади, дуоплар қилинади.

«Бешик тўйи»лари, тўйлардаги баҳишёна ашулалар, дўмбирқашлик, чанқовуз мусобақалари... Айниқса, баҳишчилик! Воҳада дўмбирани сайратиб ўлан айтмайдиган, шеър тўқимайдиган одам бўлмаса кераг-ов. Ахир Президентимиз 2019 йилнинг 6 апрель куни Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро баҳишчилик фестивалидаги нутқида бекордан-бекорга «Сурхондарё — азалдан бахшилар юрти сифатида ном қозонган», демаядилар-да.

Айтиб адо қилиш қийин сурхонликларнинг одатларию аънаналарини, табиат гўзаллиқларию ер ости ва ер усти бойлиқларини.

Ҳатто фаслларигача ўзига хос: ёзи жазирама иссиқ ва узоқ, киши илиқ ва қисқа. Арчазору пистазор, аччиқ бодому олмасор боғларида, бутазору ўрмонларида, шифобахш гиёҳлар ўсиб ётган чақалақзорларида эркатой қушларнинг чўғур-чўғури, бўлбулларнинг ёқимли овози тинмайди. Вилоятнинг жануби-шарқий қисмида тез-тез чанг-тўзонлар кўзгаб турғувчи Афғон шамолининг-да айрича ташвиши бор.

Омонхона, Ҳўжаипок, Ўринбулоқ, Қўтирбулоқ каби шифобахш тadbиқлари ҳам борки, уларнинг суви жигар, ошқорзон-ичак, тери, буйрак, қандли диабет дейдиган касалликларнинг «доди»ни беради. Галла, пахта, чорва, узум, мева-сабзавот, субтропик ўсимликлар... Айниқса, сурхон узумининг доврўғи азал-азалдан машҳур. Манбаларда айтилишича, саркарда Искандар Мақдуний воҳа узумига, узумдан тайёрланган мусалласга мафтун бўлган, меваларининг ранги ва хушбўй ифорларидан завқ олган.

5 Мевалар ранги ва хушбўй ифорларидан завқ олган юз-юзлаб тadbиқорлар эса вилоят иқтисодиётини ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилишяпти.

Баҳодир Қодиров шуларнинг бири. У замонавий кўп қаватли уй-жой қуришлари учун ёввойи қамши қириндисида қимматбаҳо қурилиш материални ишлаб чиқарадиган «Surxon KSP-Grand» корхонаси эгаси.

— Вилоятимизнинг 26 минг гектардан ортик майдонида ёввойи қамши ўсади, — дейди тadbиқор. — Ҳар йили кузда қамшизорлар беаёв ёқиб юборилар эди. Бу Термиз, Музработ туманлари ва Термиз шаҳрининг ҳайвонот дунёсига, ўсимлик оламига катта зарар етказиб, экологик муҳитга ёмон таъсир кўрсатаётган эди. Биз муаммонинг ўрғанд ва унга чек қўйиш ва табиати индонм этган бебаҳо бойликдан оқилона фойдаланиш учун «Surxon sapoot qurilish» компаниясини ташкил қилдик. Компания мутахассисларини хорижга юбордик, улар илгор тажрибаларни ўзлаштириб келдилар. Шу тариқа қамши заррачали плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Корхонанинг арзон ва пишиқ махсулоти тезда ўз хадидорларини топди. Тadbиқор эса кластер усулини жорий этиб, қамши заррачали плиталарни ламинация қилишни ҳам ўзлаштирди. «Комфорт мебель сервис» корхонасида замонавий, бежирим мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.


Яна бир сармоядор Жамшид Пардаев эса воҳада биринчи бўлиб хусусий олий таълим муассасасини ташкил қилди. Ҳозир унинг таъсисчилигидаги Термиз иқтисодиёт ва сервис университетида ёшлар ўндан ортик йўналишда билим олмоқда. Тadbиқор шу билан чекланмади — Олтинсўй туманининг Қаймоқли қишлоғида ўзи ўқиган мактаб учун қиймати 32,5 миллиард сўмлик икки қаватли бино қуриб берди. Янги бинода ўқитувчи ва ўқувчилар учун барча замонавий шароит яратилган. Интеллектуал синфхоналар, спорт зали, минн йўнғоҳ, кутубхона, мажлис-лар зали, компьютер синфхоналари, ошхона... Синфхоналар электрон доска билан жиҳозланган.

Тadbиқорлар ҳақида сўз борганда, Термиз шаҳридаги «Сурхон Сандвич» масъулияти чекланган жамяти таъсисчиси Баҳром Рауповнинг исм-шарифи алоҳида эътиром билан тилга олинади. Баҳромжон шу йилнинг 7 февралда бўлган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбарига амалга оширган ишлари ва режалари тўғрисида гапириб берди. Президентимиз Баҳром Рауповни юксак мукофот — «Дўстлик» ордени билан тақдирлади.

Рауповни Ватан мукофотига сазовор қилган ишлар қўйидагилардан иборат эди.

Баҳромжон бундан саккиз йил муқаддам импорт ўрнини босадиган сандвич ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Пишиқ ва замонавий материалдан воҳада қўллаб ижтимоий соҳа бинолари, ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилди. Эълиқдан ортик ишчилар меҳнат қилаётган корхона эндиликда сандвич панелда ишлатиладиган базальт ва пенопласт қопламалари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирмоқда. Янги корхона йил якунигача фойдаланишга топширилади ва яна тўрт юзга яқин иш ўрни барпо этилади.

Фақат шу эмас, ташаббускор ишбилармон Денов туманидаги Қизилсув дарёси бўйида «Ёшлар сайилгоҳи»ни бунёд этмоқда. Замонавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган сайилгоҳда савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари, турли кўнгилоҳар максанлар бўлади. Қурилишга юз миллиард сўм маблағ сарфланади, миңгдан ортик кишилар ишли бўлади.



Абдусайд КҲЧИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Ҳуллас, Сурхон воҳасида юқорида номлари тилга олинган ёлсавар тadbиқорлар жуда кўп. Уларнинг фидокорлиғи билан Термиз шаҳри ва барча туманларида ёшлар сайилгоҳлари қад ростламоқда. «Сайхунобод», «Гиждувон», «Уйчи» тажрибалари асосида ҳаммага кўз-кўз қилгулик лойиҳалар ишга тушириляпти.

Бироқ бу борадаги ишларни барча худудда бир маромда, дейиш қийин. «Қийин»лигини Ангор ва Шеробод туманлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Ангор худудий жиҳатдан кичикроқ, аҳолиси ҳам Шеробонданикдан кам. Худудининг бир қисми тоғлиқдан иборат бўлган Шеробод эса ер ости қазилма бойлиқларининг кўплиғи билан Ангордан ажралиб туради. Саноат махсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари кенг. Туманда олтингургурт, мәрмар, цемент, ош тузи, гранит каби ер ости қазилма бойлиқлари сероб. Аммо ана шу бойликлардан самарали фойдаланиш ўрнига мавжуд корхоналар кам таназзулга юз тутаетгани, тумандаги Олмалик кон-металлургия комбинатининг цемент заводи, қалава-ипт, ёғ ишлаб чиқариш корхоналари паст қувватда ишлаётгани ёки ишлаб чиқариш тўхтаб қолгани ташвишлидир.

Ангорда эса бунинг акси. Туманга замонавий саноат кириб келмоқда. Бир неча кичик саноат корхоналари барпо этилди, озиқ-овқат махсулотлари, мебель, қурилиш материаллари, елим бўюмлар, қийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Вилоятда ягона бўлган «Top Quality Brand» масъулияти чекланган жамятининг терини қайта ишлаш корхонаси ҳам Ангорда. Ишсизлик даражаси ҳам Шерободдан кескин фарқ қилади. Ишсизлар сонн Шеробода беш минг, Ангорда 2 минг нафарга етар-етмас. Гап бу ерда аҳолининг кам ёки кўплигида эмас, мавжуд имкониятлардан қим қандай фойдаланаётганида. Агар имкониятдан оқилона фойдаланилганда эди, Шерободдек катта саалоҳиятга эга худудда ишсизлик муаммоси аллақачон ўз ечимини топиши мумкин эди.

Яна бир гап: жорий йилнинг дастлабки чорагида Ангор туманида 24,3 миллион доллар қийматга тенг хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Хусусан, «Замин Ангор Кластер» масъулияти чекланган жамяти 13,7 миллион доллар тўғридан-тўри хорижий инвестиция маблагини ўзлаштириб, «Ингичка толали пахтани қайта ишлаш»ни ташкил этиш» лойиҳасини амалга оширмоқда. Ҳадемай яна юзлаб ангорлик ишли бўлади.

Туманда қиймати 109,1 миллиард сўмлик 52 та лойиҳа шакллантирилган. 6,5 гектар майдонда учта Кичик ва Ёшлар саноат тadbиқорлик зонаси бунёд этиляпти. Бу лойиҳалар ишга туширилгач, 350 та янги иш ўрни яратилиб, бюджетга қўшимча 2,6 миллиард сўм маблағ туширилади. Туманинг махсулот ишлаб чиқариш ҳажми 56,9 миллиард сўмга етказилади. Шеробода эса...

Афсуски, фақат Шеробод эмас, вилоятнинг бошқа жойларида ҳам улкан эврилишлар йўлига сунъий ғов бўлаётганлар учрамоқда. Уруғчилик, поряхўрлик, тамағирлик деган иллатларнинг илдизи қирқилмаган. Масалан, ўтган йили вилоятда коррупцияга оид жиноят ишлари бўйича 189 нафар шахсга оид 125 та жиноят иши қўрилган. Уларнинг 109 нафарига ахлоқ тузатиш, 12 нафарига озодлиқни чеклаш, 23 нафарига озодлиқдан маҳрум этиш, икки нафарига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. 38 нафарига жарима қўлланган. Шеробод туманида коррупция билан боғлиқ ишлари учун 16 шахсга оид ўн та жиноят иши қўрилган.

Сурхон, она дарё, ҳайқир наракор, Қўксинда қолмасин заррача губор! — дея ҳайқиргннг келади бундай иллатларга дуч келганда. Чунки алпомишлар ўлкаси, алплар ватани бўлган Сурхондарёда; дунёга Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Имом Термизий, Ҳўжа Алоуддин Аттот Валий, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид, Сўфи Оллоёрдек улуғ авлиёларни етказиб берган Сурхондарёда; Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида «Жануб гавҳари» дея таърифланган Сурхондарёда; Президентимиз Шавкат Мирзиёёв «мард ва олийжаноб, ориятли эл яшай-

диган табарруқ замин» дея ардоқлаган Афғонистон, шимоли-шарқдан Тожикистон ва жанубдан Туркманистон Республикалари билан, шимоли-ғарбдан Қашқадарё вилоти билан чегарадош йирик вилояти бўлган Сурхондарёда; тарихи «Авесто»дан-да қадимийроқ бўлган Сурхондарёда бўлмаслиғи керак бундай қусурлар...

6 Тарихи «Авесто»дан-да қадимийроқ Сурхондарёнинг ўтмиши ҳазилакам эмас-ку, ахир?

Бойсуннинг Тешиктошидан топилаган «неандерталь одам», Айритом, Мачай, Зараутсой дарасидан чиққан тош қуруллар, қояларга чизилган ёввойи буқани итлар ёрдамида овлаш манзаралари, динозаврларнинг тошда қотиб қолган излари...

Азизлар, тасаввур қилинг, динозавр қачон яшаган? Мезозой эрасида. Шўндайми? Демак, бундан 60 миллион йиллар илгари ҳам Сурхон дараларида, зовларида динозаврлар судралиб юрган. Ибтидий одамлар олишган, жанг қилган афсонавий аждаҳолар, қирқ қаллалн хайвонлар билан. Неолит ва энеолит даврларида тошлардан болта, пона, искана ясаган. Кейин-кейин металлдан, мисдан қурул ясашни ўрганган, сув бўйларида ертўлалар, чайилар тикланган, гувалардан уйлар қурилган. Шеробод, Шўрчи, Бандихон томонларда илк шаҳарлар юзага келган. Сополлитепа манзилдан топилаган ашёлар замонлар ўти



Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, аввало, фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, ҳудудларнинг иқтисодий имкониятларини тўлиқ рўйбга чиқариш ва ҳар бир инсоннинг шахсий қobiliяти ҳамда истеводдини ривожлантиришга қаратилган. Мазкур жараёнда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “халқни рози қилиш” сиёсати замонавий бошқарувнинг асосий мезонига айланди.

УРГУТ ТУМАНИ:

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЙЎНЛИГИ

Шундан келиб чиққан ҳолда Самарқанд вилоятининг Ургут туманида ҳам Президентимизнинг халқни рози қилиш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган сиёсатини амалга ошириш борасида изчил ва натижадор ишлар олиб боришмоқда. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш, иқтисодий фаоллиқни кучайтириш ва жамиятда адолат мезонларини қарор топтиришга қаратилган ислохотлар амалий мазмун касб этмоқда. Хусусан, давлат сиёсати, маҳаллий ташаббус ва жамоатчилик фаолияти уйғунлашган ҳолда шаклланган “Ургут тажрибаси” бугун янги Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиш моделларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Кўна Самарқанд шаҳридан узок бўлмаган Ургут тумани нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг энг қадимий ва илгор ҳудудларидан бири сифатида эътироф этилади. Бу замин қадим-қадимдан илм-фан, хунармандчилик, савдо ва маданият бешиги бўлиб келган. Ургут номи турли тарихий манбаларда тилга олинган бўлиб, у ўзининг тоғли ландшафти, мусаффо ҳавоси, бой табиий ресурслари ва меҳнатсевар, жонқуяр аҳолиси билан ажралиб туради.

Туманининг географик жойлашуви ҳам унинг тарихий аҳамиятини янада оширади. Ургут тоғ этакларидаги ҳосилдор замин, минерал сувларга бой тоғ манбалари, шаршаралар, яшил масканлар ва мўъжаз қишлоқлари билан сайёҳлар ҳамда тадбиркорлар учун жозибадор ҳудуд ҳисобланади. Чўлтиқ — ипак матолар ва заргарлик буюмлари сотиладиган Ургут бозори асрлар давомида Марказий Осиё савдо йўллариининг ажралмас қисми бўлиб келган.

Бу юрт наинки табиий ва иқтисодий бойликларга, балки чўқур маънавий руҳга ҳам эга. Ургут аҳолиси азалдан илм-маърифат ва қадриятларга содиқлиги, буюк зотларга ҳурмати билан ном қозонган. Бу ҳудуддаги ҳар бир қўтлуг масканда тарихнинг, ирфон ва ватанпарварлиқнинг нафиси бор. Ургут тоғлари бағрида жойлашган зиёратгоҳлар, мажмуалар ва муқаддас қадамжолар ҳалқимизнинг юксак маънавияти ва руҳий дунёси бойишига хизмат қилиб келмоқда. Улар қаторида Гавсул Аъзам зиёратгоҳи алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур зиёратгоҳ, айниқса, собиқ иттифоқ даврида эътибордан четда қолган бўлиб, зиёратчилар учун зарур инфратузилма ва шарт-шароитлар етарли эмас эди. Қўтлуг маскан сифатида ўзининг тарихий қиёфаси ва маънавий фазилатига мутлақо мос келмайдиган ҳолда қаровсиз қолганди.

Бу муносиват янада обод бўлиши, зиёрат учун наосиб ҳолга келтирилиши халқнинг маданий хотирасига ҳурмат ифодаси эканини яхши англаган Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига ишлаган вақтларида мазкур ҳудудни қайта обод этиш борасида шахсан ташаббус кўрсатгани бежиз эмас. Бу фақатгина ҳудудни ободонлаштириш эмас, аини пайтда Ургутни юртимиз маънавий-маърифий марказларидан бири сифатида тиклаш, унинг руҳий-тарбиявий аҳамиятини жонлантириш, халқ хотираси ва қадриятларини асраб-авайлашга қаратилган изчил ҳаракат эди.

Айнан шу амалий ишларнинг натижаси ўлароқ бугун Ургут нафақат вилоят, балки бутун мамлакат ва ҳатто қўшни давлатлар зиёратчилари учун ҳам руҳий суянч, маънавий тозалик бағишловчи марказга айланди. Бунинг ўзидек ушбу ҳудудга бўлган эътибор қанчалик самимий бўлган



нини, ислохотлар замирида халқ хотирасига ва маънавий меросига юксак эҳтиром муассам эканини яққол кўрсатади.

Янги технологиялар, янги ёндашувлар

Айни пайтда ана шу маънавий юксалиш билан ҳамонанг тарзда иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар ҳам Ургутда ўзининг амалий натижасини кўрсатмоқда.

Сўнгги тўққиз йил ичида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида туман иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг мутлақо янги босқичига кўтарилди. Бугунги Ургут — тарих ва тараққиёт уйғунлигини намоён этувчи замин. Бир томонда бой тарих, миллий хунармандчилик ва маънавий мерос, иккинчи томонда замонавий санаят, экспортбон маҳсулотлар, халқроқ ҳамкорлик ва ёшларга қаратилган кенг имкониятлар. Ана шу жиҳатлар тўғайли Ургут тумани Янги Ўзбекистон тараққиёт концепциясининг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.

Ургут тумани тараққиётидаги туб бурилиш Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 октябрдаги тарихий қарори билан бевосита боғлиқ. Ушбу қарорга асосан, туманда эркин иқтисодий зона ташкил этилди. Бу ташаббус нафақат Самарқанд вилояти, балки бутун мамлакат иқтисодиёти учун ҳам янги имкониятлар эшигини очиб, ҳудуд салоҳиятини тўлиқ ишга солишга кенг йўл очиб берди.

Сўнгги йилларда “Ургут” ЭИЗ доирасида жами 145 та лойиҳа амалга оширилиб, уларнинг умумий қиймати 5,2 триллион сўмдан ошди. Бу лойиҳалар асосида 10 200 дан зиёд иш ўринлари яратилди. Фақатгина шу йил январь — май ойларида 30,9 млн. долларлик маҳсулотлар экспорт қилиниб, бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 8,9 млн. долларга кўп.

Шу билан бирга, ЭИЗ иштирокчиларининг Давлат бюджетига тўлаётган солиқлари 4,8 баробар кўпайди. Бу рақамлар ҳудудда амалга оширилаётган санаят сиёсатининг самарадорлигини яққол тасдиқлайди. Мерганча, Сариктепа, Талишбе, Файзбулоқ, Хўжабоғ ва Қишлоқбод массивларида санаят ҳамда логистика инфратузилмаси, муҳандислик коммуникациялари янгиланиб, янги корхоналар ва экспортбон ишлаб чиқариш қувватлари фаолият қритмоқда.

Эътиборга молиқ жиҳат шундаки, бу ислохотлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий самара ҳам бермоқда. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда “Ургут” ЭИЗ муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда ишлаб чиқарувчи субъектларнинг 27 фоизини айнан ёшлар ва хотин-қизлар ташкил қилаётгани, 18 та янги корхона ёшлар ташаббуси билан очилгани бу фикрни тасдиқлайди.

Хорижий сармоялар оқимида ҳам ижобий динамика кузатилмоқда. Бугунги кунда Ургутда жойлашган 37 та корхона тўғридан-тўғри чет эл сармоялари ҳисобига ташкил этилган бўлиб, уларнинг аксарияти Туркия, Хитой, Россия ва Қозғоистон каби мамлакатлардан келган инвесторларга тегишли. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, хорижий сармоялар оқимининг бу сўрьатдаги ўсиши, яратилган инфратузилмалар ва иқтисодий имкониятлар Президентимиз томонидан белгиланган инвестициявий муҳитни яхшилаш борасидаги топшириқларининг амалий натижасидир.

Солиштирма таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, “Ургут” эркин иқтисодий зонаси ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт кўрсаткичи ва янги иш ўринлари яратиш бўйича нафақат вилоятда, балки республика миқёсида ҳам етакчи ҳудудлардан бирига айланмоқда. Хусусан, 2016 йил билан таққосланганда, туманининг ҳудудий ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2,4 баробарга ошган.

Президентимиз таъкидлаганидек: **“Янги Ўзбекистонни қуриш ёсқина қарашлар билан эмас, янги технологиялар ва янги ёндашувлар билан бўлади”**. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, “Ургут” ЭИЗ бугун нафақат санаят маркази, балки инновацион ишлаб чиқариш, экспорт логистикаси ва янги иш ўринлари яратиш бўйича мамлакатнинг стратегик нуқталаридан бирига айланмоқда.

Амалга оширилаётган инфратузилмавий ислохотлар ва ЭИЗдаги улкан санаят лойиҳалари билан бир қаторда, Ургутда хусусий секторни жонлантириш, маҳаллий тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам мустаҳкам асос яратилди. Айниқса, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги самарали шериклик, ёшлар ва хотин-қизлар ташаббусларини рағбатлантириш янги тараққиёт моделида муҳим ўрин тутмоқда. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, ишбилармонлиқ муҳитидаги сўнгги ютуқларга алоҳида тўхталиш ўринли бўлади.

Иқтисодий ислохотлар самараси нафақат йирик санаят лойиҳаларида, балки маҳаллий тадбиркорлик муҳитида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Ургут туманида кичик санаят зоналари ташкил этиш орқали маҳаллий ишбилармонларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида янги босқич бошланди. Хусусан, умумий майдони 37,4 гектарни ташкил этувчи 6 та кичик санаят зонасида қиймати 111,5 млрд. сўм бўлган 34 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг тўлиқ ишга туширилиши натижасида 630 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур лойиҳаларда ёшлар ва хотин-қизларнинг улуши юқори. Айни пайтда туманда ишлаб чиқариш субъектларининг 28 фоизини ёшлар, 12 фоизини эса хотин-қизлар рағбарлиги қилаётган корхоналар ташкил этади. Бу эса Ургутдаги иқтисодий ўсиш жараёнига ижтимоий барқарорлик ва тенглик таъминлларига асосланиб бораётганини кўрсатади.

Туман ҳокимлиги қошида очилган “Бизнес маслаҳат маркази” ҳам йирик лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий ишбилармонларга ҳуқуқий ва молиявий маслаҳатлар бериб келаётир. Ҳукуматимизнинг “Ишбилармонларга маъмурий тўқисиз муҳит яратиш” сиёсати

Шу йил 16 июнь куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлат ва жамият бошқарувини, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлашга қаратилган янги-ча концептуал ёндашув илгари сурилди. Ушбу йиғилишда маҳаллий бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, натижадорлик ва самарадорлик сай-ҳаракатларимизнинг асосий параметри бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, Президентимиз томонидан мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағаллиқни қисқартириш, маҳаллий ижро ҳокимияти

доирасида Ургутда 2025 йил январь — июнь ойларида 235 та янги тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказилди ва ўтган йилдагига нисбатан 116 фоиз ўсишга эришилди.

Шундай қилиб хусусий сектордаги жадал ўсиш, давлат томонидан яратилган қулай муҳит ва ишбилармонлар фаолияти нафақат иқтисодий кўрсаткичларга, балки аҳоли турмуш сифати, таълим имкониятлари ва ёшлар бандлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳаётинг ғоянинг амалдаги ифодаси

Иқтисодий юксалишнинг мазмунан тўлиқ бўлиши учун фақатгина ишлаб чиқариш ва инвестиция эмас, балки аҳолининг турмуш даражаси, таълим сифатининг яхшиланиши, бандлик ва касбий ўсиш имкониятларининг кенгайиши ҳам асосий омил бўлиши лозим. Ургут туманида охириги йилларда айнан мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ургутлик тадбиркорлар томонидан ташкил этилган корхоналар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки янги иш ўринлари яратиш,



ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш борасида ҳам сезиларли ҳисса қўшмоқда. Биргина “Urgut Mikro Metal” ва “Innovation Med Total” корхоналари мисолида 270 нафарга яқин фуқаролар иш билан таъминланган. Улар орасида касбий таълим муассасаларини битирган ёшлар ҳам, қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган хотин-қизлар ҳам бор. Бу эса Ургутда

“Сўнгги тўққиз йил ичида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида туман иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг мутлақо янги босқичига кўтарилиди. Бугунги Ургут — тарих ва тараққиёт уйғунлигини намоён этувчи замин. Бир томонда бой тарих, миллий хунармандчилик ва маънавий мерос, иккинчи томонда замонавий санаят, экспортбон маҳсулотлар, халқроқ ҳамкорлик ва ёшларга қаратилган кенг имкониятлар. Ана шу жиҳатлар тўғайли Ургут тумани Янги Ўзбекистон тараққиёт концепциясининг амалий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда. —”

меҳнат бозорининг янги фазаси шаклланаётганини кўрсатади.

Мамлакатимизда таълим ва касбга йўналтириш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Дуал таълимни жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда амалий машғулотлар ташкил этиш, “Устоз — шогирд” тизимини қўллаб-қувватлаш орқали ёшларни ишлаб чиқариш жараёнига тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Бу орқали битирувчиларнинг ишга жойлашмиш кўрсаткичи 75 фоизга етди.

Шу билан бирга, туманда ҳаёт сифати ва фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган инфратузилмавий ўзгаришлар кенг қўламада амалга оширилмоқда. Жумладан, 2025 йилда Ургутда 12 та замонавий умумтаълим мактаби, 2 та болалар боғчаси, битта янги соғлиқни сақлаш маскани фаолият бошлаши мўлжалланган. Шунингдек, электр тармоқлари, ичимлик суви таъминоти, йўлларни таъмирлаш ишлари тизимли ва босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда. Маҳаллаларда эса аҳоли учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида спорт майдончалари, дам олиш масканлари барпо этилди.

Президентимиз таъкидлаганидек: **“Одамлар рози бўлса, давлат ҳам, жамият ҳам мустаҳкам бўлади”**. Ургут туманидаги таълим, соғлиқни сақлаш, инфратузилма ва иш ўринлари яратишга қаратилган ислохотлар айнан шу ҳаётинг ғоянинг амалдаги ифодаси, фуқаролар розилигини таъминлашга қаратилган эзгу ҳаракатлардир.

Дарҳақиқат, бандлиқни таъминлаш, камбағаллиқни қисқартириш, аҳоли турмуш тарзини тубдан ўзгартиришга қаратилган ислохотлар тадбиркорликка асосланган янги ёндашув орқали амалга ошириляпти. Бу эса нафақат иқтисодий ўсиш, балки ҳар бир фуқаронинг ҳаётдан розилигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Ургутда кейинги йилларда аҳоли бандлигини таъминлашнинг замонавий моделлари жорий қилинди. 2025 йилнинг май ойи олоатиға кўра, Ургут туманида 285 нафар фуқаро “ёшлар дафтари”, “хотин-қизлар дафтари” ва “ижтимоий

органлари фаолиятини қайта кўриб чиқишга қаратилган илмий асосланган қатор янги механизмлар ва аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз айтганидек, ҳар бир раҳбар — ҳоҳ у ҳукумат, ва-зирлик ва идоралар ёки маҳаллий ижро ҳокимияти даражасида бўлсин фуқаролар дардини эшитиш, муаммоларга ечим топиш ва амалий натижа кўрсатишни ўзининг бевосита бурчи ва шахсий масъулияти сифатида қабул қилиши шарт. Бундай ёндашув нафақат кўрсатма, балки барча даражадаги раҳбарлар учун шахсий масъулият ва фаолият мезонига айланмоғи лозим.



билан бойитилган ушбу масканда маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб келиняпти.

Туризм соҳасида эса табиий гўзаллик ва зиёрат туризми имкониятлари уйғунлашган. Туман ҳудудидаги Кўктуғли ота, Хожа Амон бобо, Қоратепа, Испанза каби зиёратгоҳлар, тарихий қўрғон қолдиқлари ва Ургутсой соҳилидаги табиий масканлар сайёҳларни ўзига жалб этадиган қудратли салоҳиятга эга. Бу ҳудудларда сайёҳлик инфратузилмаси янгиланиб, экотуризм ва зиёрат туризми йўналишида лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бугунги кунда Ургутда маданият ва маърифат соҳасида амалга оширилаётган ишлар нафақат аҳолининг маънавий эҳтиёжини қондириш, балки ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, маданий меросни асраш ва юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Маданият, маърифат ва туризм бу ерда бир-бирини тўлдирувчи, бир-бирига суянувчи қучли ижтимоий платформага айланди.

Умуман олганда, сўнгги йилларда Ургут туманида амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ислохотлар Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг ҳаётдаги ёрқин намоёнларидан бири сифатида кўзга ташланмоқда. Бу тажриба марказдан ҳудудларгача тарқалаётган янги бошқарув маданияти, “давлат — бизнес — жамият” ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликнинг синовдан ўтган намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Ургутда шаклланган секторлараро ёндашув, маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли эҳтиёжларига таянган бошқарув тамойиллари мамлакат миқёсида кенгроқ жорий этилиши мумкин бўлган замонавий моделини яратиб берди.

Шубҳасиз, бу натижалар замирида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида юртимизда яратилган тинчлик, барқарорлик ва ишонч муҳити турибди. Ургутда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва юзлаб лойиҳаларнинг муваффақияти асосида ҳам айнан шу халқпарвар сиёсатнинг қуввати бор.

Албатта, шундай натижалар билан бирга ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлигини тан олиш зарур. Хусусан, санаят, туризм, замонавий бошқарув ва халқроқ стандартлаштириш соҳаларида маҳаллий мутахассислар етишмаслиги, маҳаллий маҳсулотларни сертификатция қилиш, лабораториядан ўтказиш ва халқроқ стандартларга мослашув масалалари ҳали тўлиқ ечимини топмаганини айтиш керак. Туризм инфратузилмасида (йўллар, меҳмонхоналар, хизмат маданияти) тизимли муво-занат шаклланмаган, таълим муассасалари, жумладан, СамДУ Ургут филиали билан ишлаб чиқариш сектори ўртасидаги интеграцияни янада кучайтириш зарур.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш ва Ургут тажрибасини янада самарали йўлга қўйиш мақсадида бугунги кунда туманда қатор тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Хусусан, иқтисодий йўналишда маҳаллий маҳсулотларни халқроқ бозор талабларига мослаштириш, сертификатлаш ва экспортга чиқариш бўйича замонавий лаборатория ҳамда логистика марказларини ташкил этиш керак. Жумладан, СамДУ Ургут филиалида “озик-овқат қимёси ва хавфсизлиги”, “фармацевтик қимё”, “стандартлаштириш ва сертификатлаш” йўналишларини очиш орқали иқтисодиёт талабларига мос кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадаги мувофиқ.

Шунингдек, туризм ва хунармандчилик соҳаларини уйғунлаштирган ҳолда зиёрат туризми, санаят туризми ва маҳаллий брендлар маркетингига комплекс ёндашувини жорий қилиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ургут тажрибаси янги Ўзбекистондаги фуқаролик ифтихори, халқ манфаатларига йўналтирилган давлат сиёсати ва маҳаллий ташаббус уйғунлигини намоён этувчи барқарор ривожланиш моделига айланмоқда. Унинг кенг қамровда таҳлил қилиниши ва бошқа ҳудудларда татбиқ этилиши миллий тараққиётга хизмат қилувчи истиқболли йўналишлардан биридир.

Фармон АЗИЗОВ,
Ургут тумани Нурунийлар кенгаши раиси,
Фахриддин ФАЗЛИЕВ,
меҳнат фахрийси,
Олим ҲОСИМОВ,
меҳнат фахрийси.

ЎЗГАРАЁТГАН БОШҚАРУВ ПАРАДИГМАСИ: НАТИЖАДОРЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

Президентимиз раислигида шу йил 16 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида жойларда муаммоларни ечишга қаратилган қарорларни қабул қилишда “юқоридан кўрсатма кутиш” амалиёти кескин танқид остига олинди. Айни чоғда вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда вазирларга ўз ҳудудлари, тармоқ ва соҳаларидаги муаммоларни олдиндан кўриб, проактив ҳал қилиш вазифаси қўйилди.

Таҳлил

Бундан буён раҳбарлар, улар бош қарувнинг қайси бўғинида бўлишидан қатъи назар, юзга келган вазиятларга кечиктирмасдан, тезкор жавоб беришга қодир бўлиши талаб этилади, фуқароларнинг ҳар қандай муурожаат-ларига масаланинг ечими билан жавоб берилади. Бунинг учун раҳбар ўз ҳудудидаги муаммолар, хавф-хатарлар ва имкониятларни ўзи мустақил таҳлил қилиши ҳамда баҳолаши лозим. Аҳоли ва бизнес вакиллари билан фаол мулоқотда бўлиш, муаммоларни юқоридан кўрсатма кутмасдан, ўз жойида ҳал этишда масъулларнинг фаол бўлиши талаб қилинади.

Давлатимиз раҳбари томонидан масаланинг бундай қўйилиши беҳиз эмас. Бу мамлакатда бошқарув парадигмасининг жиҳдий ўзгаришига даъватдир, десак, аниқшаймиш. Ваҳоланки, амалдаги вертикал бошқарувда юқоридан буйруқ кутишдан горизонтал, яъни жойларда юзга келган ёки келиши мумкин бўлган вазиятни тезлик билан баҳолаш ва проактив қарорлар қабул қилишга ўтиш — аниқ вазифа қилиб қўйилди.

Янги тизим қандай ишлайди?

Мамлакатимиз раҳбари проактив ечимлар нимани англатиши ва уни амалга ошириш учун раҳбарлар қандай амалий қадамларни қўйиши кераклигини батафсил кўрсатиб берди. Яъни проактив (фаоллик билан) қарорлар қабул қилиш — маълумот тўплаш, таҳлил этиш, энг кўп афзалликка эга йўлни танлаш ва натижа назоратини ўз ичига олган тизимли иш экани тушунирилди. Энди маҳаллий ҳокимликлар фаолиятида оддий муаммолар олдиндан кўра олиш, ҳолатга тўғри баҳо бериш ва ечими бўйича юқоридан буйруқ кутмасдан, ташаббусни ўз қўлига олган ҳолда қарор қабул қилиш талаб этиляпти.

Марказлашган бошқарув тизимидан қолган энг огир ку, бу — ҳудудий бошқарув органларига нисбатан “юқоридан туширилган буйруқнинг ижросини” сифатида қараш стереотипи ҳанузгача сақланиб қолган бир ҳолатда проактив қарорлар қабул қилиб бўладими? Агарда қарорлар марказий идоралар билан қилишилмаган ёки мувофиқлаштирилмаган бўлса, унинг ижро этилиши дарғумон. Чўнки ижро учун барча ресурслар ҳокимнинг қўлида эмас. Инсон ва маъмурий бошқарув ресурслари билан таъминланмаганлиги боис ҳокимликлар юқоридан қайд этилган масалаларни тўлиқ ва аққабосҳилик асосида ҳал қилиш имкониятига эга эмас. Авваллари аққабосҳилик билан ижро этилган қарорлар учун ҳоким катта аҳтимол билан “жазолаш объекти”га айланар эди. Бугунги кунда

ҳудудларда самарали горизонтал бошқарув тизими жорий қилинмаган ҳамда вазирлик ва идоралар қўйи бўғинлари раҳбарлари устидан умумий раҳбарлиқни амалга оширишда ҳокимликларнинг ваколатлари чекланган бир пайтда уларга 500 дан ортиқ функциялар юклатилган. Ҳоким ва унинг ўринбосарлари томонидан вазирлик ва идораларнинг туман (шаҳар) бўлинулмаларини назорат қилиш бўйича етарли ваколатлари мавжуд эмас.

Бошқарувнинг ҳаддан ташқари марказлашганлигига қарамасдан, жойларда бандликни таъминлаш, солиқ тушуми, қишлоқ ҳўжалиги, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш ва шаҳарсозлик, экология ҳамда ободонлаштириш каби масалалар бўйича сўров бевосита ҳокимлардан бўлаётганлиги, энди бундай тизимдан воз кечиш пайти келганлиги йиғилишда баралла айтилди. Идораларор қозғозбозлик ва бюрократияга барҳам берилиб, маҳаллий ҳокимият, вазирлик ва давлат идоралари билан муносабатлар мутлақо янгича тизимда йўлга қўйилиши белгилаб берилди.

Дастлаб тажриба сифатида ихтимоий-иктисодий соҳадаги 9 та вазирлик ва идоранинг (Иқтисодиёт ва молия, Қамбағаллиқни қисқартириш ва бандлик, Қишлоқ ҳўжалиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, Маданият вазирликлари, Кадастр агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги) туман (шаҳар) бўлинулмаларини ҳокимликлар тузилмасига ўтказиш орқали туман (шаҳар) ҳокимликларида бошқарувнинг алоҳида тартиби жорий қилинади.

Бундай ўзгаришлар жойларда маҳаллий ҳокимият институтининг ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий даражадаги муаммоларни ечишда марказга боғлиқлиқни қамайитириш, молиявий ресурслардан фойдаланиш имконини беради. Шунинг билан бирга, ҳар қандай проактив ташаббуслар учун маҳаллий бошқарув органларининг шахсий жавобгарлиги ортади.

Йиғилишда Президентимиз ҳудудларни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини тизимли ва тезкор амалга ошириш учун янги тизим жорий этиш вазифасини қўйди. Унга кўра, ҳар бир туманда “Исҳохотлар штаби” ташкил этилиб, унда маҳаллий ҳокимият органлари, бизнес ва жамоатчилик вакиллари иштирок этади. Маҳалла даражасига тушиб, ҳар қу таҳлилга асосланган уч йиллик ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилади. Дастурда ҳудудни ихтимоий ва иқтисодий ривожлантириш лойиҳалари, молиялаштириш манбалари ва амалга ошириш механизмлари



аниқ акс эттирилади. Ушбу уч йиллик дастурларга асосланиб, ҳар йили бюджет, инвестиция ва инфратузилма режалари ҳамда бандлик дастурлари тасдиқланади.

Маълумки, ҳар бир ҳудуд ривожланишда ўзига хос хусусиятларга эга. Мисол учун, Бўстонлиқ тумани туризмга иқтисослашган ҳудуд бўлиб, унинг “ўсиш нуқтаси” экотуризмни ривожлантириш ҳисобланади. Ёки Булунғур тумани богдорчилик ва сабзавотчиликка иқтисослашган ҳудуд бўлиб, унинг “ўсиш нуқтаси” қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш саналади. Шаҳарларни ривожлантиришда устуворлик хизмат кўрсатишга қаратилса, туманларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, асосий эътибор қишлоқ ҳўжалигига берилиши мумкин. Бу борада ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос йўлини танлаб олишда, аввало, бош макссадни тўғри белгилаш зарур. Ёъни қайси бир шаҳар ёки туман бош макссадга мувофиқ 5 йил ёки 10 йилдан сўнг ривожланишининг қандай даражасига эришган бўлади? Масалан, “Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри минтақанинг хизмат кўрсатиш марказига айланади”, деб бош макссадни ва тегишли вазифаларни белгиламоқчимиз. Бунинг учун етарли асосга, таҳлилларга эга бўлишимиз керак.

Бундай тарзда қўйилган бош макссаднинг устуворлиги ва аҳамиятлилиги ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, муаммолари, ташқи ва ички таъсир этувчи омилларини ҳисобга олган ҳолда асослантирилади. Оддий қилиб айтганда, айнан мана шу жараён ҳудуд ривожланишини стратегик режалаштириш сифатида қаралади. Шундан келиб чиқиб, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларида ҳудудларни ривожлантиришда стратегик бошқарув моделига ўтиш вазифаси қўйилмоқда. Ушбу модельга кўра, эндиликда янги тайинланган ҳокимлар 2 ой муддатда ўз ҳудудининг “ўсиш нуқталари” ва ишлатилимаган имкониятларини аниқлайди ҳамда дастур ишлаб чиқиб, тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари муҳокамасига тақдим қилади.

Худудларни ривожлантиришга стратегик ёндашув

Президентимиз ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда тизимли ёндашув зарурлигини ҳам таъкидлади. Бундай дастурлар қатъий ижро ме-

ханизмлари ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тамойилига асосланиши қайд этилди.

Бундан буён бюджетни режалаштириш бўладими ёки инвестиция дастури лойиҳаларими, уларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, ҳар бир туман ва шаҳар ҳудудида тўплаган қолган долзарб муаммоларни самарали ҳал қилишда нафақат давлат, шунингдек, хусусий, корпоратив, жамоат, нодавлат ва нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги тақозо этилади. Бундай ҳамкорлик, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юқоридан эфир қилинган ҳар бир субъектнинг ягона гоё, макссад ва вазифалар атрофида жипислаштириши лозим.

Маҳаллий даражада ихтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг долзарб-лиги ортиб бораётган бир пайтда ҳудудларни барқарор ривожлантиришга йўналтирилган ўрта муддатли (3 — 5 йилга мўлжалланган) ривожлантириш дастурларини стратегик режалаштириш усулида ишлаб чиқиш зарурати ортиб бормоқда. Бундай стратегик аҳамиятга эга дастурларни ишлаб чиқишда, аввало, ҳудудда юз бераётган ўзгаришларни, кечаётган жараёнларни тўғри англаб олиш, ҳудуднинг заиф жиҳатларидан келиб чиқиб, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, мавжуд салоҳият ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш мумкин ҳисобланади.

Ушбу жараёнда давлат, жамоатчилик ва хусусий секторнинг уйғунлиқдаги ҳаракатлари, бир томондан, Ҳўкуматнинг ихтимоий-иктисодий сифбатидан келиб чиқиб, ҳудудни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини берса, иккинчи томондан ихтимоий-иктисодий масалалар ва атроф-муҳит бўйича муаммоларни ҳал қилишдаги саъй-ҳаракатларни бир-бирига яқинлаштиради. Бошқача айтганда, томонларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Замонавий ёндашувга мос қонунчилик

Ҳудудий бошқарувни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қонунчилик асосларининг тақомиллаштирилиши давр талаби, десак, ўринли бўлади. Қонунчиликка киритилиши лозим бўлган ўзгартишлар аънавий “оператив” ёндашувдан “проактив” бошқарувга ўтишда юзга келаятган муаммоларни ўз вақтида таҳлил қилиш ва тегишли ҳуосалар чиқариши талаб этади.

Маҳаллий ҳокимиятда ҳоким ва халқ депутатлари Кенгашининг ваколатларини аниқ ажратиш масаласи-

Демак, бошқарувнинг бундай проактив моделини қўллаб-қувватлаш маҳаллий бошқарув парадигмаси ўзгараётганини англатади.

Бундай трансформацияга мос қонунчилик базасини тақомиллаштириш эса маҳаллий раҳбарларга тезкор қарорлар қабул қилиш ҳуқуқини беради. Айни вақтда маҳаллий бошқарув самарадорлигини тубдан ошириб, эҳтимолй хавф-хатарларни олдиндан бартараф этиш, барча иқтисодий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда барқарор ихтимоий-иктисодий ривожланишга таъминлашга хизмат қилади.

Шарофиддин НАЗАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.

ни янги таҳрирдаги Конституциямизда акс эттириш бу борадаги биринчи қадам бўлди. Ваколатлар тақсимоти бўйича “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида” ги қонунга ўзгартириш киритилиб, ҳоким фақат ижро этувчи орган, Кенгаш эса вакиллик органи сифатида назорат фаолиятини юритиши қатъий белгиланди. Эндиликда, 2026 йил 1 январдан эътиборан туман ҳамда шаҳарлар ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашлари раисларининг ҳам лавозимлари ажратилган тарзда амалга оширилиши қарорларнинг тез қабул қилиниши ва самарали ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда маҳаллий бошқарувни тақомиллаштиришдаги муҳим йўналиш сифатида жойлардаги органларнинг функцияларини қайта қўриб чиқиш асосида декларатив ҳамда тақорланувчи функцияларни бартараф этиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, ҳар бир янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг регулятор таъсирини баҳолаш, уларнинг иқтисодий ва ихтимоий оқибатларини олдиндан таҳлил қилиш талаб этилади.

Маҳаллий ижро органлари ваколатларини кенгайтиришда маъмурий тартиб-таомилларга оид ҳуқуқий нормалар ҳам қайта қўриб чиқилади. Хусусан, қарорларни қабул қилишдаги кўп босқичли маъқуллашдан ўтказиш тартибини соддалаштириш ҳамда тезкор қарор ва йўриқномалар қабул қилиш ҳуқуқини берувчи нормалар ишлаб чиқилади. Шунингдек, барча маҳаллий даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини мажбурий жамоатчилик муҳокамасига қўйиш ҳамда шу жараёни бажармаслик учун жарима ва маъмурий жавобгарлиқни қўнайитиш назарда тутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий давлат органлари ва кенг жамоатчилик ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди.

Кенг имкониятлар ва масъулият

Президентимиз ташаббуслари билан янги тизим доирасида маҳаллий ҳокимиятлар фаолиятига нисбатан янги имкониятлар яратилмоқда. Жойларда ваколатлар тақсимоти қайта қўриб чиқилиб, тақоррий ва бюрократик функциялар қисқартирилиши, бевосита туман ва шаҳар ҳокимликлар таркибига қатор вазирликларнинг қўйи бўғинлари ўтказилиб, маҳаллий ижро ҳокимиятининг салоҳият даражаси оширилиши ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишда марказга боғлиқлиқни қамайтиради. Шу билан бирга, маҳаллий раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини оширади.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, амалга оширилаётган исҳохотлар натижадорлигини ўрганиш, халқ билан ақиндан мулоқот қилиш, уларни йўналтираётган масалаларга ечим топиш мақсадида барча соҳа ҳокимлари, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар ҳамда сайловчилар билан қатор учрашувлар ўтказмоқда. Бу бежиз эмас. Чўнки демократик исҳохотларни рўёбга чиқариш, унинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш, халққил қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда аҳоли билан очик мулоқотлар ва унда кўтариладиган тақлифлар долзарб бўлиб, халқ вакиллари бундан унумли фойдаланаётир.

Малина орқали даромадга эга бўлиш оммалашади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари Абдушуккур Ҳамзаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Самарқанд вилоятида “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, жорий йил 16 июнь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган вазифалар ижроси ўрганилмоқда.

Ишчи гуруҳ дастлаб Жомбой туманидаги маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган ихтимоий кўмак, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг доимий даромад манбаига эга бўлиши учун олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Ҳар бир фуқароннинг ҳаёт тарзини аяқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сийбятининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлаган фракция раҳбари кам таъминланган оилалар вакиллари учун иш ўринлари яратиш, доимий даромад манбаига эга бўлиши учун аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тавсиялар бериб ўтди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ Жомбой туманидаги Найман маҳалласида амалга оширилаётган ағрар лойиҳалар, хусусан, малина етиштириш, уни сақлаш ва экспорт қилиш фаолияти билан ақиндан танишди.

Маҳаллада қарийб 40 гектар майдонда малина етиштирилади. Маҳаллий тадбиркор Ўткирбек Абдуллаев ташаббуси билан замонавий музлатқон (сақлаш мажмуаси) ташкил этилган бўлиб, у ерда териб олинган малина жамланиб, экспорт қилинмоқда.

Маҳаллада жами 1 090 та хонадон мавжуд бўлиб, уларнинг аксарият томоққаларида малина етиштирилаётгани қайд этилди. Аҳолининг айтишича, ҳар бон хонадон малина орқали ўртача 35 — 40 миллион сўм даромад топомқда.

Ушбу тажриба ҳудудда қишлоқ ҳўжалигини диверсификация қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва экспортрб махсусотлар етиштириш бўйича муҳим намуна сифатида қайд этилди.

Бандликни таъминлашга оид тавсиялар берилди

Қонунчилик палатаси депутати Тохир Полвонов Хоразм вилоятида бўлиб, маҳаллий муаммоларни ўрганимоқда.

Дастлаб Янгиарик тумани Оғаҳий маҳалласида “маҳалла етилиги” фаолияти билан танишди. Халқ вакилининг таъкидлашча, мазкур тизим маҳаллий муаммоларни марказга чиқармасдан, ҳудуднинг ўзида самарали ҳал қилиш, қамбағаллиқни қисқартириш ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда маҳаллада 3,5 мингдан зиёд аҳоли яшайди, уларнинг 4 нафари ёлғиз, 176 нафари эса ногиронлиги бўлган фуқаролардир. Депутат “маҳалла етилиги” фаолияти билан танишар экан, масъуллар билан мулоқот қилди. Сўхбат чоғида охириги олти ойда маҳаллада 44 нафар фуқарога 730 миллион сўм миқдориди кредит аҳратилгани ва бу орқали уларнинг ўзини ўзи банд қилиши таъминланаётгани қайд этилди.

Депутат Янгиарик туманидаги Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги бўлимида ҳам бўлиб, фуқаролар муурожаатлари ва уларнинг ижроси билан танишди.

Айниқса, “Yantex Invest” МЧЖда ўтказилган учрашув қизгин ва самимий ўтди. Бу ерда ишлаб чиқарилган 40 дан ортиқ махсусотлар 12 давлатга экспорт қилинмоқда.

Қорхона раҳбари Зулфия Мадрохимова 19 — 45 ёшдаги 79 нафар хотин-қизни иш билан таъминлагани, уларнинг уч нафари ногиронлиги бўлган фуқаролар эканини билдирди. Яқин вақтларда янада кўпроқ иш ўринлари яратиш режалаштирилаётгани қайд этилди. Депутат бу бўйича ўз тавсияларини бериб ўтди.

Ёш авлод саломатлиги — келажак пойдевори

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулруҳ Агамова Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бўлиб, қатор муҳим объектлар фаолияти билан танишди.

Аввало, депутат тегишли масъуллар билан биргаликда ҳудудларда амалга оширилаётган исҳохотларнинг самарадорлиги, ихтимоий-иктисодий ривожланиш ҳолати, қамбағаллиқни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича фикр алмашди.

Аҳолининг турмуш даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш, мавжуд заҳира ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш юзасидан тумандаги Олтинтопган маҳалласи фуқаролари билан очик мулоқот ўтказди.

Шунингдек, депутат Бектемир туманидаги 575-мактабга таълим ташкилотида бўлиб, сколиоз ва яссиеқилик каби касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган тиббий кўрикларда қатнашди.

Тадбирда болаларнинг саломатлигини асраш ва уларни вақтида тиббий текширувлар билан таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Халқ вакили туман тиббиёт бирлашмаси марказий кўп тармоқли поликлиника фаолияти билан ҳам ақиндан танишди. Шифохонанинг имкониятлари, тиббий хизматлар сифати ва беморларни қабул қилиш жараёнлари билан қизиб, аҳолига юқори даражадаги тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлаш юзасидан тегишли тақлифларни илгари сурди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Ҳаво мусатффолигини сақлашга ҳар биримиз масъулмиз

Тан олиш керак, бугунги кунда ҳавонинг ифлосланиши билан боғлиқ муаммо инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, аллергия ва нафас олиш тизими касалликларини келтириб чиқармоқда. Айнан шунинг учун ҳам биз нафас олаётган ҳавонинг тоза ва мусатффо бўлишига эришиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Экология

Аслида, атмосфера ҳавосининг ифлосланиш индекси меъёри 1,0 бирликда бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати марказининг маълумотига кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳавоси нисбатан тоза шаҳарлар (атмосфера ҳавосининг ифлосланиш индекси 1,1-2,63 бирлик атрофида) Денов, Қўқон, Марғилон, Қарши, Китоё, Шахрисабз ва Самарқанд бўлса, ҳавоси огир ҳамда ифлосланган ҳудудларга (атмосфера ҳавосининг ифлосланиш индекси 4,3-5,3 бирлик) Ангрен, Олмалиқ, Фарғона, Бухоро ва Тошкент шаҳарлари қиради.

Юқориди номи келтирилган марказ хабарига кўра, сўнгги ўн йилда Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши чанг ҳисобига 1,3-2,7 баробар, азот 2 оксиди ҳисобига 1,3-2,0 баробар ёмонлашган. Айниқса, бу ҳолатлар ёзининг ҳазирама ва шамолсиз кунлирида бир неча қарра ошади.

Шу ўринда шаҳарларда атмосфера ҳавоси нимадан кўпроқ ифлосланиди, деган савол туғилади. Жавоб шукки, кейинги пайтда шаҳарлар атмосфериаси завод-фабрикалар ёки чиқиндилардан кўра транспортдан кўпроқ ифлосланмоқда.

бензин ва дизель ёқилғисида, 25 фоизи табиий газда юради.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида бир кунда 500 мингта автомашина харақатлansa, ўртача 5 литрдан ёқилғи ишлатган тақдирда ҳам 2500 тонна ёқилғи сарфланади. Маълумотларга кўра, 1 тонна автомобиль ёқилғисини ишлатилганда атмосферага 208 кг. захарли чиқинди кўтарилади (газли машиналар эса 3 баробар кам). Демак, Тошкент шаҳри осмонига ҳар кун 500 тонна захарли газ чиқарилимоқда. Автомобиллар сони эса йилдан-йилга ортиб бораётир.

Мусатффо муҳитни таъминлаш учун, аввало, атмосфера ҳавоси тозаллигини доимий мониторинг қилиб, динамикасини ўрганиб бориш, ҳавони ифлослантирадиган омиллар ва сабабларни аниқлаш талаб этилади. Шаҳар ҳавосини тоза сақлаш учун аниқ ишлайдиган механизмларни яратиш ҳам долзарб. Шунингдек, автомобилларни техник кўриқдан ўтказишга жиҳдий эътибор қаратиш зарур. Техник носоз ёки муддатини ўтаб бўлган автомобилларнинг шаҳар ичиди юриши тақиқлана, максадга мувофиқ бўлади.

Барчамизга яхши аёнки, ҳавога кўтарилаётган зарарли газлар аслида кўринмас қотил ҳисобланади. Аҳоли, айниқса, ёш болалар ва кексалар ҳаёти учун янаям хавфли.

Бунинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш керак? Биринчидан, катта шаҳарларда, жумладан, Тошкентда аҳоли яшаш жойлари, автомобиль йўллари ёқаларида, шаҳар атрофидаги ишлаб чиқариш (саноат) зоналари атрофида атмосфера ҳавоси тоза-

Халқ сўзи

Народное слово

2026 йилда Ўзбекистонда «Ипак йўли оҳанглари» номли халқаро кўргазма ўтказилиши режалаштирилган.

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхадда босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;

эълонлар 71-259-74-87.

Газетанинг ҳақиқатий маълумотларини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

155N 0010-678A

4172030 678004

Таҳририятга келган кўлабмақал тақрир қилинмайди ва мустақил баҳо қайтарилмайди.

Газетанинг тақрир берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатидан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Х. Норбоев.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.25

Тошпирилди — 0